

Имант Зиедонис

БЕДОР ТОШ

*Шеърлар
Эпифаниялар*



Русчадан
Муҳаммад Солиҳ
таржимаси

ТОШКЕНТ — 1981

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат наприёти

Редколлегия:

С. О. Азимов, Б. Бойқобилов, И. Гафуров, Ҳ. Гулом,
З. И. Есенбоев, В. Й. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўшжонов,
Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Файзий,
П. Шермухамедов, О. Ёқубов, К. Яшин (редколлегия
раҳбари).

Сўзбоши муаллифи
Озод Шарафиддинов

Тақризчи
Абдулла
Шеров

С (Лат)

3—59

Зиедонис, Имант.

Бедор тош: Шеърлар. Эпифаниялар, Русчадан
М. Солиҳ тарж.: Редкол.: Азимов С. О. ва [бошқ.];
Сўзбоши муаллифи О. Шарафиддинов.— Т.: Адабиёт
ва санъат нашриёти, 1981.—152 б.

Латвиянинг атоқли шоири ва носири Имант Зиедонис
кўплаб китобларнинг муаллифидир. «Ҳар қудуқнинг ўз акс-
садоси бор», «Тик қошиқ», «Менинг тошим бедор», «Эпи-
фаниялар», «Асал денгизга оқади» сингари шеърӣй ва нас-
рий тўпламлари уни кенг китобхонлар оммасининг севи-
ли адиби бўлиб танилишига сабабчи бўлди. Мазкур тўплам
ўзбек ўқувчиларини биринчи марта Зиедонис ижоди билан
ташиштиради. Санъаткорнинг фалсафӣй изланишлари мо-
ҳияти, бу изланишларнинг мураккаблиги, ахлоқӣй муаммо-
лар, муҳаббат ва Латвиянинг табиати ҳақидаги терам ўй-
лар ушбу мажмуанинг мундарижасини ташкил қилади.

Зиедонис, Имант. Недремлющий камень. Стихи.
Эпифании.

С (Лат)

3 $\frac{70403-212}{M352(04)-81}$ 120—81 4702034020

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1981 (Тарж).

ҚАҲРАБО СОҲИЛЛАР КУЙЧИСИ

«О, болагинам, қўшиқ куйланаётганда таом кавшама! Қўшиқ куйланаётганда зинҳор-базинҳор таом ема, болагинам! Қўшиқда кимнингдир ушоқ жони ялинади, ёлборади, балки шу дақиқада у очдир — таом кавшама, зинҳор кавшама, болажоним, қўшиқ куйланаётган дақиқаларда...

Ичма, зинҳор ича кўрма, о, болагинам, қўшиқ куйланганида. Бу қўшиқ тўрғай ноласидир. Балки у ёмғир сўраб, барглардан шабнам сўраб, фигон чекаётгандир. Тўрғай ялинади, ёлборади. У оч, ташнаи зор.

Биз овқатхўр халқмиз, о, болагинам, лекин қўшиқ куйланаётганда қошиғингни стол устига қўйиб тур, о, болагинам, ҳа, қошиғингни стол устига қўйиб тур. «Анов амаки овқатни уряпти-ку!» деб унга таасуб қилма, ундан ибрат олма, у аллақачон ҳамма қўшиқларини овқатга қўшиб жигилдонидан ўтказиб юборган. Энди эса картошкани қўшиқдан ажратолмай қолган.

Қошиқнинг ҳам, қўшиқнинг ҳам кирар эшиги битта!

Қўшиқ куйланаётганда қошиғинг оғзингга етмай туриб қоладими?

О, болагинам, қошиғингни қўлингга олиб, бир чеккага қўя тур — аввал қўшиққа йўл бер, болажоним!»

Ажойиб бир лавҳа десам, гапимга қўшиларсиз. Жуда ўзига хос лавҳа. Унда инсон қалбининг бир чеккаси чўғдай ловиллаб турипти. Унда инсон маънавиятини улуглаш ҳақидаги фикр кутилмаган бир тарзда ҳам қалб ноласидай майин, ҳам фиғонли бир оҳангда айтиляпти. Бундай парчалар қалбингизга ўрнашиб қолади, уни жунбишга келтиради, ғалати ҳислар, оҳорсиз туйғулар туғдиради, ўйлашга ундайди.

Бу парча Латвия халқ шоири Имант Энедониснинг «Эпифаниялар» китобидан олинган. Китоб шундай теран фикрли, туйғуларга бой лавҳалардан ташкил топган.

Бу китобни мен уч йил аввал сотиб олгандим. Очигини айтганда, «Эпифания» деган сўзни тушунмас эканман. «Бу нима дегани бўлса экан?» деб қизиқиб қолдим, шу сабабдан уни сотиб олдим. Эпифания — юнонча сўз экан. У «инъикос», «ошкор этиш» деган маънони билдирар экан. Китобнинг муқаддимасида бу сўзга шундай изоҳ берилибди: «Бу — ярқ этган чақмоқдай гап. У тезоқар ҳаёт оқимидан лаҳзаларни ажратиб олади, кескин фикрлар, ҳаракатлар, туйғулар, ҳодисалар, хатти-ҳаракатларни нурлантиради». Дарҳақиқат, китобдаги узук-юлуқ кўринган, бир-бири билан сюжет занжири орқали боғланмаган парчаларда шоирнинг безовта қалби, теран ва изловчан фикри, бугунги инсон ҳаётининг хилма-хил қирралари ҳақидаги залворли ўйлари мана ман деб сезилиб туради. Бу лавҳалар автор қалби орқали туташиб, бир бутунликни вужудга келтирган. Шу лавҳалар замирида нозик мушоҳадали, ўткир шоирона нигоҳли, дунё ҳақида, инсон ҳақида ўзига хос тарзда фикрловчи донишманд сиймосини кўриш қийин эмас.

Китобни ўқиб чиқдим, Имантнинг бошқа асарларини ҳам топиб ўқидим. Кейин шу доно одам билан танишиш, суҳбатлашиш истаги туғилди, унинг китобида акс этган қирраларнинг ҳаётдаги ҳислатларига чориштириш хоҳиши пайдо бўлди...

Имант билан 80 йилнинг эрта баҳорида кўришдик. Ушанда Ригада адабиёт масалаларига бағишланган катта анжуман бўлганди. Анжуман тугагач, шоир Шавкат Раҳмон билан бир-икки кун Ригада қолиб, шаҳар билан яқинроқдан танишишга қарор қил-

дик. Шавкат Зиедониснинг ўзбек тилида чиқадиган китобига муҳаррир экан, шу ҳақда Имант билан гаплашиб оладиган гаплари бор экан. Имант телефонда бизнинг кимлигимизни, қаерданлигимизни эшитиши биланоқ: «Меҳмонхонадан жилмай тулинглар, ҳозир етиб бораман», деди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас хонамизга бўйи ўртадан тикроқ, қотма, чувак юзли, қирра бурун, оқ оралаган жингалак сочлари ўзига ярашган одам кириб келди. Биз уни дарров танидик. Имант синчков ва теран кўзлари билан бизга бир зум тикилиб турди-да, эски қадрдонларини учратгандек қуюқ кўриша кетди. «Тошкентда бир-икки бўлганман. Юртингиз менга жуда маъқул бўлган. Умуман, Урта Осиёни жонимдан яхши кўраман», деди у. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин қаерда бўлганимиз, нималарни кўрганимизни суриштирди. Биз анжумандан энди бўшаганимизни, ҳали Ригадан бошқа жойни кўрмаганимизни айтдик. «Ундай бўлса,— деди Имант,— эртага Юрмалага жўнаймиз».

Эртасига Латвия Ёзувчилар союзи берган машинада Юрмалага кетдик. Имант йўл-йўлакай латиш халқи ҳақида, унинг қадимий маданияти, бой ва ранг-баранг фольклори, ҳозирги адабиёт тўғрисида ғурур билан ҳикоя қила борди. У, айниқса, латиш халқининг шеърятга, қўшиқча, музикага азалий муҳаббати ҳақида мароқ билан сўзларди:

— Биздаги қўшиқ байрамларини эшитгандирсиз. Минглаб, ҳатто юз минглаб одам йиғилади. Ёшу қари, эркагу аёл бараварига бир нафас билан қўшиқ айтади. Қўшиқ одамларни, туйғуларни бирлаштиради. Улуғвор манзара!

Мен Латвиядаги қўшиқ байрамларини бевосита томоша қилмаган бўлсам-да, киноларда, зангори экранда кўриб, ҳақиқатан ҳам ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган улуғвор манзара кашф этишига амин бўлгандим. Бу гал Имант латиш халқининг беқиёс ижодкорлигини тасдиқлайдиган шундай мисоллар келтирдик, уларни эшитиб, чинакамига ҳайратга тушдим.

Аввал Имант латиш халқ эпоси «Лачплесис» ҳақида, унинг қаҳрамони Лачплесис образида халқнинг эрксеварлик туйғулари, ажнабий босқинчиларга нафрати мужассамлангани тўғрисида гапирди. Кейин халқнинг қалбини, туйғуларини, орзу ва идеаллари-

ни ифодалаган саноқсиз қўшиқлар, эртақлар, ривоятлар, афсоналар, латифалар, топишмоғу мақоллар ҳақида сўзлади. Буни қарангки, саноғи бир ярим миллионга етар-етмас халқ бир миллион олти юз мингта қўшиқ, бир юзу ўттиз етти мингта ривоят, афсона, ярим миллиондан зиёд топишмоқ, салкам уч юз мингта мақол яратган экан. Буларнинг бари-ни жамласа икки ярим миллиондан ортади. Бинобарин, ҳар бир латишга салкам иккитадан тўғри келади. Жаҳон маданияти тарихида бундай қудратли ва самарали ижодий иқтидор камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Машҳур фольклоршунос олим, атоқли ёзувчи ва жамоат арбоби Кришьянис Барон (1835—1923) 1894—1915 йиллар мобайнида том маънода илмий ва ижодий жасорат кўрсатиб уммондай сарҳадсиз халқ қўшиқларидан энг яхшиларини жамлаб, олти жилдлик китоб нашр эттирган. «Латиш халқ қўшиқлари» деб аталган бу нёб асар ҳозирга қадар латиш халқ ижодининг гоят гўзал ва гоят ардоқли обидаси бўлиб келмоқда. Гап билан бўлиб, Юрмаланинг шимол масканларидан бири Дубултига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Машинадан тушиб, Ёзувчиларнинг ижод уйига кирдик. Кейин анчагача денгиз бўйида сайр қилдик.

Март қуёши чарақлаб турган бўлса-да, кун ҳали совуқ. Ҳаво тиниқ, беғубор. Олис-олисларда денгиз осмон билан тутшиб кетган. Ёнгил изғирин эсади. Қалин қарағайзор аста шовуллайди. Одам ўзини қушдай ёнгил ҳис қилади — қор ҳам, ўрмон ҳам, денгиз ҳам, ҳаво ҳам аллақандай сеҳру жозобага тўлиқдай, атрофга нафосат, шеърият таратиётгандай туюлади. Назаримда, фақат шу соҳилгина эмас, ўрмонларга, ўтлоқларга, кўлларга бой латиш табиати нафосатга йўғрилгандай... Латишларнинг шеъриятга, қўшиққа, мусиқага ўчлиги шундан эмасмикин деб ўйлайман.

Нафосатга тўла шу масканда сайр қилар эканман, Имантни ҳам ўйлайман, унинг илҳомига манба бўлган омилларни кўз ўнгимга келтиришга уринаман.

Имант ҳозир 47 ёшда — у 1933 йилда балиқчи оиласида туғилган. Болалиги оғир уруш йилларига тўғри келган. Урушдан кейин эса Имант Латвия Давлат университетининг филология факультетини тамамлади, сўнгра Москвада Максим Горький номидаги

Адабиёт институти қошида Олий адабий курсларни тугатди. У 50-йилларданоқ шоир сифатида танила бошлади. Орадан кўп ўтмай, бутун республикада шуҳрат қозонди. Шеърларининг ғоявий-бадиий юксаклиги учун аввал республика комсомол мукофоти билан, кейин Латвия ССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Республикада адабиёт ва маданият соҳасини ривожлантиришдаги самарали меҳнати учун Имант «Латвия ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими», «Латвия ССР халқ шоири» фахрий унвонларига сазовор бўлди. Мен шуларни ўйлар эканман, бир қизиқ воқеани эсладим. Имантнинг «Эпифаниялар» китобини ўкиб чиққанимдан кейин, муаллифнинг кимлигини, ҳаёт йўлини, қандай асарлар ёзганини билмоқчи бўлдим, кутубхонамдаги материалларни кўриб чиқдим. Лекин, афсуски, ҳеч нарса тополмадим. Ҳатто 1955 йилда Ригада чиққан «Совет Латвияси ёзувчилари» деган биографик тўпламда ҳам ёхуд 1964 йилда Москвада босилган «Қисқача Адабиёт қомуси»да ҳам Имант Зиедонис ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Бу жумбоқнинг сирини Имантнинг ўзидан сўраб қўя қолдим. «Ижодимни эрта бошлаган бўлсам ҳам,— деди Имант,— бутуниттифоқ китобхонига кейинги ўн-ўн беш йил ичида танила бошладим». Мен нима сабабдан аввалги илк асарларини — латиш тилида босилган «Замин ва хаёл қушлари». «Қалб динамити», «Мотоцикл» каби шеърини тўпламларини бутуниттифоқ китобхони эътиборига ҳавола қилмаганини сўрадим. «Биласизми, ҳайиқдим», деб қисқагина жавоб берди Имант. Жавоб қисқа бўлса-да, унинг замирида ёзувчилик касби учун, санъаткор сўзи учун адоқсиз бир масъулият ҳисси ётганини сезиш қийин эмас эди. Имант жуда бой анъаналарга эга бўлган, ривожланишнинг баркамол поғоналарини бошидан кечирган адабиётнинг вориси. Бу адабиётнинг ёрқин саҳифалари Ян Райнис, Петер Стучка, Андрей Упит, Ян Судрабкалн, Вилис Лацис каби дунёга машҳур устоз санъаткорларнинг саховатли қўли билан ёзилган. Шундай экан, уларнинг ишини давом эттираётган ҳар бир ижодкор шу буюк сиймоларга муносиб бўлиши, уларнинг шаънига доғ туширмайдиган баркамол асарлар билан элу юртга танилиши керак. Шундан ҳам Имант илк асарларини кенг китобхоналар оммасига ҳавола этиш-

га ошиқмади. Фақат сўнгги йиллардагина унинг асарлари бепоён Ватанимиз бўйлаб кенг тарқала бошлади. Унинг латиш тилида босилган «Шам қандай ёнади», «Елвизак», «Менга ҳамдард зулмат қўйнида», «Қўлимда гўзал нилуфар билан» каби тўпламларидаги энг яхши поэтик асарлар рус тилига таржима қилинди ва рус тилида шоирнинг «Лабиринт», «Асал денгизга оқмоқда», «Менинг тошим бедор» каби тўпламлари босилди. Рус тили орқали эса Имантнинг асарлари бошқа қардош тилларга ҳам таржима қилина бошланди. Шу тарзда биз латиш халқининг яна бир ажойиб, ўзига хос шоири — қаҳрабо соҳилларнинг мафтункор куйчиси билан танишдик.

Иброҳим Ғафуров мақолаларидан бирда Имант Зиедонис шеърляти ҳақида йўл-йўлакай фикр юритиб, уларни «безовта ва нотинч» шеърлар деб атайди. Назаримда, бу формулада ўзбек мунаққиди латиш шоирининг энг муҳим хусусиятини илғаб олган кўринади. Ҳақиқатан ҳам унинг ҳамма шеърларининг замирида безовта ва нотинч уриб турган қалб садоларини эшитиш мумкин. Имантнинг шеърлари ўзбек китобхони ўнлаб йиллар мобайнида кўникиб қолган шеърлятдан фарқ қилади — уларда, биринчи навбатда, ранг-баранг ҳаётний ҳодисалар, муҳим ва тасодифий, қонуний ва ўткинчи воқеалар таъсирида шоир қалбида жўш урган туйғуларни, хилма-хил кайфиятларни бевосита ифодалаш устун туради. Улар чинакам инсонийлиги, ўта самимийлиги билан бизни мафтун этади. Бундай шеърларда ҳам, албатта муайян фикр, шоир бизга сингдирмоқчи бўлган ҳикмат, фалсафа бор. Лекин улар яланғоч айтилмайди, балки туйғуларга чирмаб берилади:

Ёмғирлар шафқатсиз

Чўқийди бизни...

Беомон, беомон

Калтаклайди дўл...

Қандайдир қўрқув бор ҳавода —

Агрофда яшайди бир қўрқув...

Барибир қўлимдан келганини мен
Ҳаётда қиламан шубҳасиз.

Токи порлоқ бўлсин
Сенинг тақдиринг.

Имант кўпгина шеърларида бевосита китобхонга мурожаат қилади. Бироқ унинг мурожаатлари ҳам ўта теран бир лиризм билан сугорилган. Унинг лирик қаҳрамони ҳаётни бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан қабул қилади, ҳаётни, яшамоқни буюк неъмат деб билади. Шундан унинг учун ҳаёт ҳам, табиат ҳам бутунлигича ардоқли. У табиатнинг мукамал ва бут бўлишини истайди, унинг гўзалликларини авайлаб, эҳтиёт қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Табиатнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир ҳужайрасига, гўзалликка тажовуз ва таҳдид шоир қалбини безовта қилади, ўйларини нотинч йўлларга буради. Шунда шоир қалбининг энг теран жойларидан дардли туйғулар кўтарилади:

Атиргулни шошиб тарк этма —
Очилгунча ёнидан кетма!
Жала қуйса, дўл ёғса нетар,—
Атиргулни шошиб тарк этма.
Совуқ нафаслари совуқнинг
Ахир уни куйдириб кетар,—
Атиргулни шошиб тарк этма,
Очилгунча ёнидан кетма!

Шоир гул ҳақида гапиряпти — аммо, китобхон бу гул замиридаги катта маънони, улкан ҳаётий ҳақиқатларни умумлаштирувчи фикрни яққол ҳис қилиб туради. Ҳозир ассоциатив поэзия ҳақида кўп гап бўляпти. Юқоридаги шеър — ўткир туйғуларга, изтиробли кайфиятга йўғрилгани билан шундай поэзиянинг яхши намунаси бўла олади.

Имант шеърларида умуминсоний муаммолар, муҳим ҳаётий масалалар ҳақидаги ўйлар кўп учрайди. Шоир яхшилик ва ёмонлик ҳақида, вақт ва унинг моҳияти тўғрисида, ўткинчи ва мангу нарсалар ҳақида фикрлайди ва бу фикрларнинг ҳаммаси бир нуқтада — инсон ҳаётининг моҳияти ҳақидаги ўйларда бирлашиб кетади. У вақт ҳақида ўйлар экан, унга конкрет мазмун бағишловчи куч инсон, унинг ишлари, маънавияти эканига ишора қилади:

Вақт эса тошни ҳам силлиқ қилади...

Қояни ҳам йўнади бу Вақт.

У ҳатто инқилобчи қорнини

Қаппайтириб қўйишга қодир.

Бундай мисралар охир-пироварида ҳар бир одамнинг Вақт қаршисидаги шахсий масъулияти тўғрисида фикрлашга ундайди. Вақт образи Имант шеърларида кўп учрайди. Шоир Вақтнинг турли хислатларини бадиий таҳлил қилиш орқали кўпгина улугвор ҳаётий ҳақиқатларни ифодалайди. Масалан, бир шеърда у Вақт билан Муҳаббатни таққослайди ва инсоний севгининг қудратини тасдиқлайди:

Вақт ўтмасди.

Бу севги эди...

Вақт севги олдида тўхтайдди фақат.

Онларни қум каби

Таталаб йиғиб,

Сочардим хоҳлаган ёққа бемалол —

Ёки у томонга, ё бу томонга.

Бунинг фарқи йўқ эди.

Вақт тўхтади.

Темир тўхтаганидан занглашдан,

Эсдан чиқарганидан гуллар сўлмоқни.

Биз бўлса, ҳисобни унутган эдик.
Олий ҳисобларга кўра ҳам, ҳатто,
Севгининг ҳисобни билмаслиги
Ажойиб ва гўзалдир.

Бу шеърда муҳаббатнинг қудратли кучи ажиб бир фалсафий теранлик билан ифодаланган.

Имант шеърларида оқ ранг кўп учрайди — оқ ранг шоирнинг энг севган ранги. «Мен фақат қордай оққушларни истайман» дейди шоир. Унинг учун оқ ранг — поклик, инсонийлик, гўзаллик рамзи. У бутун-бутун оламни, жамики инсонларни оқ рангда кўришни истайди. Имантнинг шеърлари дунёда поклик ва нафосатнинг тантанасига хизмат қилади. Унинг шеърляти билан танишар эканмиз, биз улардан теран бир эстетик завқ олибгина қўя қолмаймиз, айна чоқда, бизнинг шеърят ҳақидаги тасаввурларимиз ҳам бойийди. Биз шеърят имкониятлари ҳудудсиз эканига, XX аср шеърляти ҳозирги инсон қалбини, руҳий дунёсини хилма-хил воситалар, ранг-баранг йўллар билан ифодалашга қодир эканига, чинакамга истеъдодли шоир қайси халққа, миллатга мансублигидан қатъи назар, умумсовет поэзияси хазинасига бетакрор ранглар, ўзига хос оҳанглар, янгича йўллар олиб кираётганига амин бўламиз.

Имант шоиргина эмас, бир қатор насрий асарларнинг ҳам муаллифидир. У ўз туйғулари ва кайфиятларини, ўйлари ва фикрларини кичик-кичик лирик лавҳаларда акс эттириб, фалсафий проза намуналарини яратаётганини юқорида айтиб ўтгандик. Булардан ташқари, Имант зўр эҳтирос билан ёзилган публицистик китобларнинг ҳам авторидир. Бу жиҳатдан унинг украин ёзувчиси Виталий Коротич билан ҳамкорликда ёзган «Тик турган қошиқ» китоби диққатга сазовор. Бу китоб пайдо бўлиши биланоқ бутун-иттифоқ китобхонларининг эътиборини жалб қилди, йирик танқидчилар тилига тушди. Жумладан, атоқли адабиётшунос олим Ломидзе «Вуюк муштараклик» китобида бу китобни мукамал таҳлил қилиб, унга жуда юқори баҳо берди. Жумладан, китоб ҳақида у шундай ёзади: «Тик турган қошиқ» — ҳужжатли,

аниқ, тарихан ҳаққоний материалга бой, жанр спецификасига, эстетик сифатлари, ички тузилишларига кўра қизиқарли китобдир. Икки халқ ёзувчисининг нияти — учинчи халқ ҳаётининг айрим томонларини «қўш нигоҳ» билан қамраб олиш, кўрганлари ва билганларини ўз миллий тажрибасига жам қилиш, бир-биридан жуғрофий жиҳатдан олисда яшовчи, лекин муштарак коммунистик идеал туфайли бирлашган совет халқларини бир бутун қилиб боғланадиган ажойиб ришталарни тадқиқ қилиш нияти муваффақиятли чиққан».

«Тик турган қошиқ» — ўзига хос китоб. У украин ва латиш ёзувчиларининг учинчи қардош халқ ҳаёти — Тожикистоннинг бугунги воқеалиги тўғрисидаги диалог тарзида ёзилган. Бу китоб чуқур интернационал пафос билан суғорилган. Совет халқларининг бирлиги, коммунистик идеалининг муштараклиги, бузилмас дўстлиги, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамкорлиги бугун тараққиётимизнинг энг муҳим факторларидан бирига айланиб қолган. Бу эса, ўз навбатида ватанамиз халқларининг янада яқинлашишини, бир-бирини билиш ва таниш ишини янги босқичга кўтаришини тақозо қилади. «Биз бир-биримиз ҳақимизда жуда кам биламиз,— деб ёзади Имант,— шунинг учун ҳам биз — икки халқнинг икки шоири, украин ва латиш — учинчи халқнинг ҳаётига чуқурроқ назар ташлашга аҳд қилдик». Бу китобда қардош тожик халқининг кечаги куни ҳам, ўтмишда яратган моддий ва маънавий бойликлари ҳам, бугунги жамоли, ижодкор меҳнати, юксак маданияти ҳам ёрқин мисоллар орқали, ажойиб одамларнинг тақдири орқали чуқур очиб берилган. Авторларни, айниқса, Имант Зиедонисни тожик халқи маданиятининг ўзига хос томонлари кўпроқ қизиқтиради, чунки айти шу ўзига хослик умумсовет маданий казинасига қимматбаҳо ҳисса бўлиб қўшилади. Имант ёзади: «Мен кўп миллатли давлатнинг граждани, халқ маданияти казиналарини айирбошлашни хоҳлайман ва талаб қиламан, илтимос этаман ва истайман. Мен қардош ва таниш халқлардан уларга, фақат уларгагина хос бўлган ранглар ва товушлар оҳангини, дидлар ва ифодани қабул қилишни истайман».

Бу сўзлар чинакам интернационалист одамнинг сўзларидир. Имант бу сўзларни айтиш билан чеклан-

майди, балки уларни рўёбга чиқариш учун ҳам қўлидан келганча жонбозлик қилади. Шу мақсадда у қардош халқларнинг адабиётларидан қатор намуналарни латиш тилига таржима қилиб, латишлар қалбида бошқа халқларга дўстлик туйғуларини янада ривожлантириш ишига кўмаклашмоқда...

... Кечқурун Дубултидан қайтгач, Имант бизни кузатар экан, Шавкатга ҳам, менга ҳам биттадан китоб совға қилди. Бу унинг яқиндагина босмадан чиққан рус тилидаги «Рангли эртактлар» китоби эди. Китоб болаларга аталган эди. Мен Имантнинг болалар учун ҳам ёзишидан беҳабар эдим. Китобни кўриб, Имант ҳам баъзи шоирлар каби йўл-йўлакай болалар учун ҳам асар ёзар экан-да» деган фикр кўнглимдан ўтди. Имант буни сезгандай, шубҳаларимни тарқатди,

— Биз кейинги пайтларда болалар адабиёти билан жиддий шуғуллана бошладик. Ҳатто болалар учун ёзадиган муаллифлар тўпланиб, бир тўгаракка ўхшаш нарсага уюшганмиз. Тез-тез йиғилиб, асарларимиз, муаммоларимизни муҳокама қилиб турамиз. Болалар боғчаларида, мактабларда учрашувлар ўтказамиз, китобларимизнинг таъсир кучини бевосита амалда синаб кўрамиз. Виласизми, бу жуда яхши натижалар бермоқда.

Тошкентга қайтиб келгач, Имантнинг китобини кевараларимга ўқиб бердим. Билмадим, лекин унинг китоби невараларимга жуда ёқди. Улар ҳозир ҳам ҳар келганларида ўша китобдан ўқиб беришимни илтимос қилишади. Бинобарин, Имант болалар адабиёти билан шунчаки эрмак учун эмас, жиддий шуғулланмоқда. Ва тўғри қилмоқда. Бугун болаларимиз учун чинакамига юксак савиядаги замонавий адабиёт яратиш — жуда муҳим ва жуда зарур иш. Яқинда Имантнинг «Рангли эртактлар» китоби болалар адабиёти соҳасидаги энг мўътабар мукофотлардан бирини — Андерсен мукофотини олди. Бу хабарни эшитиб, олисдаги дўстим учун беҳад қувондим.

Қўлингиздаги китоб Имант Зиедониснинг ўзбек тилида эълон қилинаётган биринчи китоби. Уни ёш шоир Муҳаммад Солиҳ нашрга тайёрлаган. Муҳаммад Солиҳ таржимада Имант поэзиясининг ўзига хос

оҳангларини, рангларини, образлар дунёсини имкони борича сақлаб қолишга, бузмай ўзбек китобхонига етказишга интилган ва анчагина муваффақиятга эришган.

Уйлайманки, Имант Зиедонис билан учрашув ўзбек китобхонига катта қувонч келтиради ва икки халқ ўртасидаги дўстлик ишларини янада мустаҳкамлайди.

Озод Шарафиддинов.
Беруний мукофотининг лауреати.

1 декабрь, 1980 йил

ШЕЪРЛАР

* * *

Шамдонлардай қатор эманлар турар
Яланғоч куз ёки баҳор ичида.
Токи шохларида ёнар ой, улар
Латгал шамдонига ўхшайди жуда.

Лекин ой — шам эмас, юлдуз — хирадир.
Дарахтлар дармонсиз бир азоб ичра
Шам сўраб, қўлларин кўкка чўзадир,
Зулматни ёритмоқ бўлиб қичқирар.

Тепадан юлдузлар ёмғири ёғар,
Эманлар кифтига тушар юлдузлар.
Шамдонлардай турар тунда эманлар,
Шамлар ёнишини кутарлар улар.

* * *

Тингла, дунё нақадар сокин —
Чорламоқда одамни одам.
Ярминя ол кимнингдир, токи
Сенинг учун оз эмас бу ҳам.

Воҳадаги қумнинг зарраси
Иккинчи заррани толар, бас.
Гул турипти гулга рўпара,
Гуллаяпти — бу ҳеч оз эмас.

Фақат барин истамайман, йўқ.
«Бари-бари бўлмас ҳеч қачон».
Шом чогида шуни ўқийсан
Қораяркан ҳудудсиз осмон.

Етарлидир нон,
Олам гулистон,
Ҳаммаси бисёр —
Осмон бепоён.

Ялтираркан қор,
Кўз узиб бўлмас.
Аммо недандир
Бу кўнгил тўлмас.

Ҳамма нарса бор,
Фақат дил кемтик.
Ҳаёт ўзгарар,
Боравермас тик.

«Йилт» этар юлдуз
Ниш каби тезкор —
Бизга етишмас
Сирли недир бор.

ПЕТЕРИС ҲАҚИДА ҚУШИҚ

Еш бир йигит эди Петерис,
Майсазорда қазирди ариқ.
Лойқа сувда ароқнинг ҳиди
Келиб кетди бурнига аниқ.

Алчагина пул ишлади у,
Ҳамёини тўлдирди пулга.
Мана, ҳамён очилган ҳамон
Ароқ ҳиди уфурди унга.

Уйланиб ҳам олди Петерис
Ҳовлисида қудуқ қазиди.
Қаза туриб, бурнига яна
Келиб кетди ароқнинг ҳиди.

Кўз ёш қилди шунда хотини:
— Қўй, Петерис, бу ишингдан кеч —
Кўмиб ташла шу қудуғингни,
Бизга қудуқ даркор эмас ҳеч!

Бу ароқ ҳидига кўмилган
Қувончли ва сарҳуш дунёда
Петериснинг жўшқини ва телба
Ҳаёти ҳам ўтди зиёдай.

Куни битди. Петерис ўлди.
Уни ерга кўмишди, ҳайҳот.
Энди қабрдаги гуллардан
Ароқ ҳиди келарди бот-бот.

Тобут ичра қуртлар ўрмалар
Кемиришар тахта, бўёқни.
Кемираркан, тўхтаб қоларлар:
Тўхтатади ҳиди ароқнинг.

Кемирдилар бошқа қуртлар ҳам
Катта-кичик сариқ, сиёҳранг.
Петерисни ичдилар тўйиб,
То оёқда тургунча аранг.

Дополикнинг кераги йўқдир,
Жанжал, баҳсга берингиз барҳам.
Баъзан қурт ҳам шодликни истар,
Ичгиси келади қуртнинг ҳам.

* * *

**Чирикларни олиб ташланг қутидан!
Йўқса, буткул чирир ярим чириклар.
Йўқса, бу йил қишда ертўлангида
Яши чириш бошланур, ҳо, тириклар!**

**Фақат... оталарга тегмайлик, етар.
Улар жанг қилишди, ётсин, тегмангиз.
Шахсий шуҳрат учун бошга киймайлик
Улар қабридаги гулчамбарни биз.**



«Ҳа» ва «йўқ»нинг ўртасида машъум бўшлиқ бор.
«Манфий» билан «мусбат»нинг ҳам ўртасида у.
Нима учун яшайпман бу дунёда мен.
Нима учун курашаман, курашмикан шу?

«Ҳа» ва «йўқ»нинг ўртасида бир бўшлиқ машъум —
«Мусбат» билан «манфий»нинг ҳам орасида у.
Минглаб, минглаб йўловчилар ботқоқликда жим —
Икки тоғнинг ўртасида кўз юмган мангу.

«Ҳа» ва «йўқ»нинг ўртасида ўлимдай бўшлиқ.
Чақирасан. Овоз чиқмас. Йўқдир акс-садо.
Қуёш йўқдир, замин йўқдир, нафас, ҳаво йўқ.
Наҳотки, мен шунда қолиб, бўларман адо?

Тонг отади — битта эмас, икки тонг отар.
Икки қуёш чиқиб, минар икки чўққига.
Елкаларим: бу ўнг, бу чап — ўртада ётар
«Ҳа» ва «йўқ»нинг ўртасида менинг бўшлиғим.

* * *

Ажиб палла эди ўша ёз.
Биз гуллар тилида суҳбатлашгандик,
Яъни, имо-ишора билан
Момақаймоқ бўлиб гапирдик май ўртасида.
Момақаймоқ толалари ёпишган асалари каби
Сўзларимиз учди
атрофда — сариқ.

Сирень шевасида гапирмоқ қийин —
Сирень монанд оқшомларда сўзлар ёниб кетади
Ва қалбда қолади уларнинг кули.

Июлда қизгалдоқча гапириб кўрдик —
Сўзларимиз қизгалдоқ бошида қолди.
Энди, мен ёлғизман.
Ёнимда ҳеч ким йўқ, ҳеч ким кўрмайди:
Қуриб қолган қизгалдоқни ўйнайман қўлда —
Ёлғиз бўлсам,
Шундай суҳбатлашаман сен билан.

Кейин биз қичитқон бўлиб сўзлашдик,
Узоқ, жуда узоқ сўзлашдик бизлар,
Ҳозир ўйлаб кўрсам, бу тилда
Бир сўз ҳам айтмаслик керак экан.

Зотан, кузда
Биримиз — оддий пуштиранг,
Иккинчимиз — оч, ниҳоятда оч қизилранг
Илонгуллар тилида суҳбатлашар экан,
Бирдан тушунмай қолдик бир-биримизни.

Кейинроқ, қўқонгул...

Ҳар хили бор эди бу гулнинг!

Сен сикёҳ рангини танладинг шартта.

Мен бўлсам, гапирдим заъфар рангида.

Шу сабаб, ҳеч бало тушунолмадим.

Ундан ҳам кейинроқ... барчаси сўлди.

Бачкигулдан бошқа — қисир гулдан бошқа

Барчаси сўлди.

Деразанинг ойналари ўртасида

Ўсиб турибди у — кеча кўрдим.

Дераза раҳида ўтириб,

Бачкигул тилида ўзимга-ўзим

Гудранамаи:

«Тезда ойналарга қиш гул солади.

Аммо унинг шевасида

Бир сўз ҳам айтмайман».

9 МАЙ КУНИ ҚИЗИЛ МАЙДОНДА

*Уруш қатнашчиси, ҳамшира
Эльвира Закега бағишлаймач.*

Иигит, чиройлидир танлаган қизинг.
Сен уни ўпасан салют пайтида.
Шундоқ ёнгинагда иккита одам
Ўпишиб, йиғлайди — бири қўлсиздир.
Бир оёғи йўқдир иккинчисининг.

Ота, болаларинг чиройли.
Уларни кўтарасан салютга қараб.
Ёнингда, куйган уй мўриси каби,
Туради қалтираб
Бир ёлғиз одам.

Она, узоқларга қарайсан.
Сочи қув оқарган ўғилларини
Ўпмоқда сочи оқ оналар.
Лекин қани у тош, қонранг гулларни
Қайси қабртошга қўяжаксан сен?

Дўстим қўқлингга ол, қайноқ қўлингга
Ҳамширанинг кафтини исит!
Бугун бу кафтларга жуда интизор
Иигитлар — қайтиб келмайдиган йигитлар
Бугун унинг қўлини оғритиб қисар.
Ёш жангчининг қотган бармоқлари
Бугун ҳамширанинг кўксини поралар.
Энг сўнгги сўзлар:
— Ҳамширажон! Ҳамширажон! Яшагим келар!..
Ийғи нега керак?
Отилмоқда ғалаба салюти.
Энди уйингизга боринглар,
Байрам шаробини ичинглар бориб.



Туз сепилган нарса бузилмайди —
Бу асрларнинг тажрибасидир,
Туздан роса тўйди менинг дўстларим,
Шу сабаб, уларнинг қисмати шўрдир.

Тилидан бол томгувчи одам билан
Гаплашганимда,
Мен моматалоқ жойларимга
Туз сениб тураман дамо-дам:
Суҳбатимиз қисқа бўлса ҳам,
Бўғилиб қоламан
У билан турсам, қўрқаман —
Бузилган гўшт ҳиди юққандай!

Туз бузилишдан асрайди.
Кимнинг манглайидан тер оққан бўлса,
Уша сизга албат исботлар буни.

Сенинг кўз ёшларинг қанақа?
Мазалими ёки шўртакми?

Лабингни уриб ёрсалар,
Қонни туфлаб ташлама, ют қонни —
Унинг тузи бор!
Фақат шу йўл сени
Бузилишдан сақлайди.

* * *

Менга айтишдики,
Тезроқ қайтмасам,
Йўлни кўмиб ташлар эмиш қор,
Тайгадаги ёлғизлик дарёсининг
Бўйидаги чайладан
Тополмас эмишман сени, севгилим...
Ишонмайман!
Қўрқита олмайди мени йўл.
Гугурт қутисида олов кўп ҳали,
Туз ҳам етарлидир халтамда менинг,
Чой ҳам бир ҳафтага етгулик,
Сўнгги нон,
Сўнгги дармон тиззамда
Етади бўсағанга етгунимча то.

Санъатда

Мен ёмон кўрадиган қаҳрамонлар бор.
Парсаларни ҳам севмайман уларга қўшиб.
Олпоқ ёқалардан нафратланаман мен,
Галстуклардан нафратланаман.
Чунки мен кўнгил қўйган аёлга
Хушбичим кийинган
Эркаклар ёқади —
Ва аёл мақсадга етар, шубҳасиз.

Жоним ҳиқилдоққа келади менинг,
Нарсаларни тиңимсиз сўкаман.
Айбдор бўлса-да гарчи одамлар,
Ҳақорат сўзларни ташлайман
Тепакал столлар устига.
Аммо улар товуш чиқармас
Нигилистнинг юраги каби.

Кўзгулардан нафратланаман.
Менинг севган инсоним
Кўзгунинг ичига бир кирса,
Соатлаб йўқ бўлиб кетади
Ва қайтиб келмайди.
Мен кўзгунинг ёнида
Қоровулдай ўтираман
Уни кутиб.
Мен баъзан ҳашаматли дастурхондан
нафратланаман.
Бу дастурхон теварагида
Бир-бирини кечирмайдиган,

аммо кечирришга маҳкум бўлган
жуда кўп одамлар
ўтирар, ахир.
Мен журъатсизман.
Одамлар айбдор бўлса ҳам,
Нарсаларни сўкаман.

Оқшом тўлқинларин кесиб учаман.
Ҳаво қатлам-қатлам ётибди:
Ботқоқликнинг намчил нафаси,
Йўнғичқанинг мазали ҳиди —
Кейин бирдан сезиб қоламан
Ўрмонда тунги гунафшаларин.
Зовурни ёқалаб ўтиб, тормоз бераман —
Атрофим ўрайди сукунат.

Ҳисоблай бошлайман:

мана, тунги бинафшалар фарсаҳи,
мана йўнғичқанинг километри
ва табулғанинг —икки чақирими.

Ҳаво бузилиши турган гап.
Чунки оқшом қуюқ, ёпишқоқ.
Машинам чироғи нурида
Тераклар чопади йўлнинг четида.
Узоқда ферманинг деразалари
Липиллаб киради туннинг қаърига,
Электричка сингарин
Ёнимдан ўтар.

Ҳамон ҳисоблайман:

қора ойналари тунги роҳатнинг,
унут хаёлларнинг, бахтнинг,
тунги изтироб ва дарднинг
деразалари почта маркасидай
мактуб — биноларнинг қора бетида
йилтилар.

Машина ҳайдашни севаман тунда.
Кундуз — дунё тордир мен учун.
Уфққача, холос, дунё кундузи.
Тунда бениҳоя кенгдир бу олам.
Тунда чорраҳага чиқар
Орзулар — янги туғилган юлдузлар —
Кемтик ойнинг болалари —
Сочлари оқарган орзулар.
Шу орзуларга қараб, одамларни
 ўрганаман мен,
 юракларни тўлдирган,
 охур тўла орзулар,
 баъзиси — чўнтакка жо бўладиган кучукка,
 баъзиси — йиртқич силовсинга монанд орзулар.

Руҳий қашшоқликнинг, қўрқувнинг
Иродасин йўқотган ирода орзулари:
Сафсатабоз, лофчи орзулар
Йўлда сандирақлаб юрибди.
Шунда машинанинг кўзларида
Шафқатсиз бир нафрат ёнади:
Буниси — вақт борида йўлдан чекилсин,
Буниси — шафқатсиз босилсин!

Мен-чи, ҳисоблайман,
 уларнинг қапчаси ўлмоғи керак?
 ҳавоний хаёллар ва орзу ниқобин
 кийган ҳирсларни мен аямай
 ғилдирак остига улоқтираман.

Ким менга айб қўлр? Нима учун?
Менинг ҳуқуқимни ким олади, ким?
Ҳар сафар, юлдузли оқшомда
Одамларнинг орауси йўлимга чиқиб,
Қўлини кўтарса, илтимос қилсалар

Элтиб қўйишни,
Мен учиб бораркан, ўйлайман:
элтиб қўймоқ фарздир орзуларни,
кутиб олиш керак орзуларни,
ҳатто ўлдирмоқ ҳам мумкин орзуларни —
эҳ, нақадар бахтли аср тушган меннг чекимга!

★ ★ ★

Йўлнинг чеккасида туриб,
Ёниб кетган уйнинг ўрнида
Кўмир билан
Уляк мўриларнинг тошига
Бир қўшиқ ёзаман:
Совиб қолган ўчоқлар ҳақида,
Учиб қолган кўмирлар,
Уйсиз ва дарбадар мушуклар,
Онасининг жасадин қучоқлаб
Йиғлаётган гўдаклар ҳақида
Ёзаман — куйган хонадоннинг
Ўрнида топилган парча кўмир-ла.

Одамлар, бу мудҳиш мўриларни
Олиб ташламанг, турсин.
Шундай турсин, токи ўзини
Бегона сезсин бунда олма дарахти!
Чирмовуқ майсага чирмашсин
Чирмашмоққа нарса тополмай,
Атиргуллар тўлиб кетсин боққа,
Сўқмоқларни бекитсин сирень.

Мен янги йил оқшомида
Омадин синаётганлар ҳақида ёзаман.
Ноннинг иси ҳақида,
Палёнлар чарсиллаб ёнгувчи
Тандирлар ҳақида ёзаман,
Бир бурда нон ҳақида ёзаман:
«Ноннинг ушоғи» деб атарлар уни.

Бу ерда уй бўлган бир пайтлар...
Кул айланар гулга,
Ғишт қўшилиб кетар майсага.
Азоб хотиротга қўшилгандай,
Эртага бу ердан кетаман,
Аммо ҳозир
Улик мўриларга — қабритошларга —
Кўмир парчаси-да ёзар эканман,
Тилиниб-тилиниб оғрийди кўксим.

* * *

Сенга совға қиламан
Узоқ Видземада, оқ қайиннинг
Шохига қурилган майна уяси —
Менинг орзуларим қишлади унда
Ўтиниб сўрайман, баҳорда кетайлик
Томоша қилгани чуғурчуқларни.

Агар улар музлаб қолган бўлса...
Музлаган бўлиши ҳеч гап эмасдир
(Менинг майналарим унда қишлаган,
Сеники — бошқа ерда қишни ўтказди.)
Мабодо музлаб қолган бўлсалар,
Мушукка ташлайвер уларни.

Барибир, баҳор келса,
Майна уясин кўриш-чун
Кетамиз сен билан. Ким билади,
Балки қайиндаги уяга
Сенинг қушларинг ҳам кириб олгандир,
Туғилгандир митти майначалар ҳам,

МОЦАРТ БИЛАН ЕНМА.ЕН

Моцартнинг ўрни йўқ мақтанадиган,
Худодандир унинг бор фазилати.
Мен-чи, ўзим эришдим бунга —
Худо мени камроқ сийлади.

Фаришталар тўдаси мисол
Моцартнинг қўллари кўкда учарлар.
Менда ҳар бир товуш эълворли, беҳол
Тунги жароҳатдай очилар.

Жаннат ваъда қилар Моцартга худо:
— Кавла,— дер,— юлдузлар тўла саватни!
Мен-чи, оҳанг учун ердаман фидо,
Қорли тепаликда ўтар фурсатим.

Айтинг-чи, уйқу ва роҳатдан кечиб,
Қўшиқ жодусига ўзни берган он
Фаришта турарми деразангизда?
Ерилиб ўлсанг ҳам турмас ҳеч қачон!

Моцартга қиёслаш жуда бемаъни —
Тафти йўқ мақтовдир, бефойда алдоқ.
Фақат
Оғирлик оҳанги — қисматим маним
Ҳеч қачон бошимни силамас илоҳ.

КОМПОЗИЦИЯ

Олти марта занг урди соат —
Бир тилга айланди унинг миллари.
Бегона одамлар ёнимдан
Утади қайрилиб қарамай.
Инги йилдагидай қор ёғар,
Оппоқ, нахмоқ, момикқина қор —
Торт устидаги қаймоқ сингари
Эрир аёлларнинг пляпасида.
Биламан-ку, сен йўқсан бугун,
Нима бўпти! Тўғри, бу ёмон...
Сен — жумбоқсан мен учун доим,
Мен сен учун — арзимас нарса.

Энди ҳеч нарсанинг фарқи йўқ менга.
Фарқи йўқ? Қандай бемаънилик!
Қишки
Осмон
Қорни осиб қўйди ипларга.
Қор муаллақ турар ҳавода,
Каштанлар шаклида учиб юрар у.

Соат етти ярим.
Фикрларим чуваланди.
Бунинг сенга алоқаси йўқ.
Қабристон қоровули ёнимдан
Гўрков бўлиб ўтса,
Ҳаяжонланма.

Чунки икки ҳафта кейин

Жиёбонда ошиқлар
Дон беришди кабутарларга.
Енимдан ўтишди кампирлари
Набираларини етаклаб.
Ҳайратга тушдилар мени кўрганда —
Қор одам!
Графиня хизматкори каби аянчли.
Гўё графинда музлаган
Сув сингари эди ўтирган одам.

* * *

Мен дарахтман,
Куртаклар ёрилиб ўртаганда ҳам
Узни йўқотмайман — чунки келмадинг.
Япроқлар севги яшиллигин уйғотар менда,
Аммо ўсгани қўймам уларни —
Зеро сен келмадинг.
Емгир ёғяпти. Томчилар юмалар.
Илангоч новдаларимдан менинг.
Одамлар таажжубланадилар:
— Қани, бу дарахтнинг барглари?

* * *

Ёз фасли, фақат ёз
Кечқурун
хушбўй ҳид таратар, ҳавас қиламан
бу оқшом арғувон тагида учрашиб,
бир-бири билан жимгина сўзлашиб,
ҳикоялар айтиб
нима ҳақдадир
бахтиёр-бахтиёр кулишиб
гуллаган арғувон остида
ўтирганларга ҳавас қиламан.



Яна қор.

Кунлар ҳам ошноқ қорларга ўхшайди.

Оқ сўқмоқ бўйлаб ўткинчи кетади узоқ-узоққа.

Сарвқад дарахтлар қорга кўмилган

Кўмилган заҳоти — букилган.

Чамаси, қариб қолдим. Дарахтга айландим мен.

Аммо

Шумуртлар қорабўрони аро, тераклар бўрони аро

Сени кўраман,

Сени кўраман,

Сени кўраман мен тушимда каби

Ва устимдан қорни қоқиб мен...

Ўрнимдан тураман... Юра бошлайман.



Дунёнинг аёллик жозиби

Бугун кечқурун

Шаҳар кўчаларида

ўткир пошналари билан ёзмоқда

барқ урган ёшликнинг номасин,

балоғат ёшининг сўзларин,

сўлғин кексаликнинг ҳарфларин ёзар.

24 соат давомида

Қиз қадамлари

бир жумлани такрорлар фақат:

— Муҳаббат — нимадир?

Ўзгалар қадамида эса,

илиқлик сезилади,

ажиб ҳокисорлик сөзлар.

Бу одамлар яхши билади,

эҳтирос нимадир,

нимадир чинакам яқинлик.

Аёллар қадамин эшитаман,

Ҳаяжонга тўла, асабий.

Улар ялинади, илтижо қилар
Кетган ёшлигининг изидан:
— Севги бер! Севги бер, севги бер менга!

Узгалар қадамида эса,
қувноқ ва жарангдор қадамларда мен
эштаман оналик меҳрини
ва гўдакнинг илк сўзларини.

Пошналарнинг шошқин шахтидан
кўчага ёзилар
бахтнинг оҳанги, умиднинг куйи.

Шунингдек, эшитилар бачкана:
«Кўрасан, у меники бўлар —
Шубҳасиз!»

Эшитилар эрга эга бўлган
Устомон аёллар қадами,
Эшитилар омади юришмай,
Эрдан нолиганларнинг аччиқ қадами.
Утади энг мағрур,
Сирни бой бермайдиган аёллар,
Улар билмайдикки ўз қадамининг

менга барча сирни
фош қилганини. —

Уларнинг энг эзгу армони ҳақда,
Энг ойдин орзуси,
Энг сўлғин хаёли ҳақдаги сирни.

Агар айтганларим
сизга ёқмаса,
айблamanг мени —
ахир, қадамлар
сизнинг қадамингиз
фош қилди, Сизни.

ШУБҲА

Уртоқлар,
менда логарифмик жадваллар
тахрири яхши эмас,
деган шубҳа бор энди.
Хусусан,
ўша жадваллар муҳаррири учун
бизнинг баъзи мақсадлар муқаддас эмасдай
кўринди.

Устига-устак мен
шу қабилдаги мудроқ муҳаррирлар
етарли калтакланмаган деб билдим —
Яқинда деворга ёпиштириладиган қоғозлар
редакциясида йиғилди-ку
ҳар хил сифатдаги
бир гуруҳ ревизионист шоввозлар!

Таъкидлайман:
дўконда ёғ ўраб берадиган қоғознинг
ғоявий тарбия воситаси эканлигини унутмай,
уни шеър каби таҳрир қилиш лозим.

Ҳозир ҳам кўриб турибман,
залда бундан куладиган
ўртоқлар ўтирибди,
кечириб бўлмайдди бунақасми.

* * *

Якшанба куни йўлда
Кўзалари мовий,
Гул кўтарган қизни учратдим.
Манзилинг узоқми, Маргарита?

Сўқмоқ майсалари эркалар унинг
Бежирим ва яланг оёқларини.
Илк муҳаббат сингари
Кўксида ётарди бир ўрим кокил.

Сенинг Фаустинг ким, Маргарита?
Пер Гюнт бевафодир, билиб қўй, Сольвейг.
Сени опкетаман! Қаерга?
Билмайман!
Қаерга истасанг шу ёққа.

Бугун у қишлоқда байрамдир,
У ерда серобдир қўшиқ билан гул.
Тушларимни, Маргарита, илтимос,
Коккилингга қўшиб ўриб қўй!

Қаерга бормайин, ҳамма
«Раҳмат» айтаверади менга.
Нечун олиб бордим бегона одамга
Нилуфар кўтарган бу қизни?

* * *

Ўлган қовоғари

Қуёшда қовжирар, бир бўлиб ер-ла.
Тушуниб бўлмайди, англамоқ қийин —
Нимага ўлади қовоғарилар?

Асалари, майли. У меҳнат қилар,
Интилар ҳаётда нимагадир ҳар кун.
Истаги бор унинг. Шу сабаб
Ўлимдан қўрқади — тушунини мумкин.

Одам ҳам шунақа. Чопади кун-тун.
Пода боқар, ғарам уяди... аммо
Қовоғари... унинг ўлими
Тушуниб бўлмас бир муаммо!

Бизга нима керак ўзи,
Қовоғари каби арзимаган гап?
билмаймиз-ку унинг аҳамиятини.
Ҳатто йиғламайди ҳеч ким, бузмайди асаб
Қовоғари ўлими учун.

ОТНИНГ ҚУШИҒИ

Чопаркан, олда йўл чарсиллай бошлар
Енаётган дарахтнинг пўстлоғи мисол
Арғумоқ оғажон, синглим бияжон,
Сувлиқ кечирмайди, тўхтасак беҳол.

Бияжон, псингни узоқдан сезсам,
Бурун катакларим керишар ҳар чоқ.
Эсла, янги пичан маст қилган оқшом
Туғиб берган эдинг менга бир тойчоқ.

Энди нима ейди қулунтойимиз?
Пичан бултургидир, похол ҳам чирик.
Унинг тўрвасига ким сули солар,
Қайда қолди яйлов бизга эгулик?

Гўзал бияжоним, энди оқшомлар
Бўлиқ майсазорга ким ҳайдар бизни?
Ҳозир ҳеч ким биздан олмаса хабар
Кел, ташлаб кетайлик, ўз қўрамнани.

Ит каби ғингшисин, майли, арава.
Жинни қўйғироқ ҳам ўшанда қолсин.
Тойчоқни олсак бас, бизга шу раво —
Бурун катакларим титрайди ҳолсин.

Кўкда ой. Димоққа тинмай уради
Узоқ яйловларнинг ҳиди, ҳаяжон!
Чидам типирчилар, чидолмас чидам,
Жиловлар уйқуда. Кетдик, бияжон!

АРАВАНИНГ ҚУШИҒИ

Мен — катта қутиман, тўрт ғилдиракли.
Олдимда от думи билтанглаб кетар.
Ботқоққа ботайин белгача, майли,
Фақат ғилдираклар синмаса, етар.

Сен эса, тош йўлсан — силтэйсан тинмай.
Қайга бошласалар, шу — менга йўлдир.
Майли, отлар чопсин қўниб ё қўнмай —
Менга ғилдираклар синмаса, бўлди.

Мен — шундай қутиман, тўрт ғилдиракли.
Олдда отнинг думи билтанглаб кетар.
Инмани ўйласа, ўйлайверсин от,
Менга ғилдираклар синмаса, етар.

ОТ БЎИНИДАГИ ҚЎНҒИРОҚЧА ҚЎШИҒИ

Меҳрибон тўригим, минордаги жом
Огалар ичида энг катта оғам.
Ҳаво титрар, куйлар у чалинган он,
Қувноқ жўр бўламан мен-да шу замон.

Тўригим, билсайдинг шаҳло кўз сигир
Бўйнидаги қўнғироқ — менинг укамдир.
Пода қўрасига кираётган дам
Ўша қўнғироқ-ла куйлайман мен ҳам.

Нилуфар, чучмома, лотин гуллари —
Бари дўстдир менга, ўртоқдир бари.
Ўзинг яхши бўлсанг, ҳамма яхшидир
Меҳрибон тўригим, сенга гап шудир.

* * *

Қуёшсиз тоғда,

Ойсиз тунда:

бошингни эг, қурбонлик учун!

Зулмат катта

Юлдузсиз тунда:

бошингни эг, қурбонлик келтир.

Бошингни қўй гулчамбар каби;

Зеро ўт ва қурол билан

Енгиб бўлмас зулматни асло.

Бошингни эгиб,

Чўкка туш, узоқ тургил шундай,

Токи кўзларинг кўникиб олсин зулматга.

Кейин тушунасан:

Қоронгида кўришга қодир инсоннинггина

Курашмоққа ҳуқуқи бордир.

* * *

Асалари чақса, ўзи ўлади.
Буни ҳамма билади.
Лекин
Ниши унинг ўзини
Билармикин ўлдиришини?

Уни доим ишга ҳайдашди,
Қанот қоқди, кезди муттасил,
Дарахтлардан ва гулзорлардан
Ташийверди бизларга асал.

Дунё бўйлаб қанот қоқди у
Доим хушбўй ҳидлар таратиб,
Чаққан бўлса чаққиси келган —
Уни шундай қўйган яратиб.

Чақиш хавфли эканин ҳар бир
Асалари яхши билади.
Исбот қилди; ниш билан бирга
Унинг ўзи шаксиз ўлади.

Ана, қаранг, ўлиб ётибди.
Жим бўлингиз, бақирманг элга!
Чақибдими, демак, ҳақи бор,
Демак, сизни чаққиси келган.

Чунки доим ишга ҳайдашди,
Қанот қоқди, кезди муттасил.
Чарчади, ахир, чарчади
Ташимоқдан бизларга асал.

* * *

Бу япроқ, бу япроқ,
Пастга учаётган бу япроқ,
Новдага қўнади қайтадан
Ерга учаётган бу япроқ.

Бу қорлар, бу қорлар,
Ерга қўнаётган бу қорлар
Осмонга қайтадан ёғарлар
Қандайдир бир куч бор зўравон —
У қорни юлдузга ёғдирар.

Бу инсон, бу инсон,
Соч-соқоли оппоқ бу инсон
Тупроқ эди, қайтар тупроққа,
Қайтиб борар ўша тупроққа
Соч-соқоли оппоқ бу инсон.

Дарёлар орқага қайтади,
Ирмоқлар томонга, тоғ-тошга,
Нур отилар қайта қуёшга.
Қарабсизки, мен қимирлайман
Қайтадан онамнинг қорнида.



Маёқми ё хира чироқми, кимсан?
Қошингдан кетарман айбдор итдай жим.
Силандим, сийландим, сўнгра хор бўлдим,
Билмам, қайда қолди итлик номусим.
Ҳа, бунда мен ёлгон ҳидни сезаман.
Қўноқда товуқни бўғмоқда кўзан.
Ўчга ташналикдан титрар тумшуғим,
Силаб-сийпасалар, мен ҳам қайтадан
Ўзимга келаман, ўзим тутаман:
Кимни тишлашимни билмайман ҳали.
Аmmo мен тайёрман. Вужудим — бир ўқ.
Шайтон ҳам йўлимни тўсолмас менинг.
Ўримдан турсам бас, йўқ истиҳола.
Мабодо, кезлансам тиш ботирмоққа
Кимдир ҳалок бўлар. Ўлар. Йўқолар.
Майли, етар энди. Мен ҳазиллашдим.
Қачон учрашамиз? Эртага? Индин?
Сен менинг ягона худомсан, гўзал.
Ёнингдан кучукдай кетарман ҳар гал.

ШАМОЛНИНГ ҚУШИҒИ

Қўрқма, шамдов, сенинг шамингни
Узям билан олиб кетмайман.
Айбим нима, мени кўрган он
Титраб кетса шамлар, нетай мен?

Ҳар қандай шам менинг қўлимда
Енар фақат истаганимча.
Кейин, майли, сен ўзинг-чун ёқ,
Қизганмайман мен унча.

Бораман-да, шамнинг қалбини
Ичаман мен.
Сўнг олиб кетавер — менга барибир —
Ўз шамингни сен.

ШАМДОННИНГ ҚЎШИҒИ

Илтижо қилади шамлар: алдама!
Елкамга тўкарлар кўз ёшин тахир.
Уларда ёнади маънос алаанга —
Қуволмам уларни зулматга, ахир.

Шамол ютар экан ўзга шамларни,
Бу шам ўз дардини менга сўзлайди.
Ҳар кунни келади ёнимга, тинмай
Елкамда жимгина нечун бўзлайди?

Мен «Кет!» деёлмайман, «Кел!» ҳам деёлмам,
Елкамда йиғларкан оқбадан бир шам.

* * *

Сув ости кемалар
Тунда
Қоядек
Теранликдан юзага ўрмалэй бошлар.
Юксакликда эса чайлада
Ухлаб ётар кекса капитан.

Биз — пинакдаги бандалар —
Кемалардан бири лангардан
Сиртмоқ ясаб, ўзини осмаганида,
Ҳеч нарсани билмаган бўлардик.

Воқеа тонгда рўй берди.
Лангар иккита баҳайбат тиш ўртасида
Қисилиб қолди
Ва кема ўзини осди шу ҳолат.

Ана шундан кейин
Тун чўқаркан,
Кемалар қоядаги чайлада
Ухлаётган кекса капитанга
Интилишин тушундик бизлар.

КЕМА САҲНИДА

Одамлар гап сотар кема саҳнида
Сўзи навбат бермайди сўзга:
Қаранг, изимиздан сузар дельфинлар
Ниманидир айтмоқчи бизга.

Гап сотади гапдонлар тинмай
Урилгунча кема қонга:
— Қаранг, сузиб келар дельфинлар —
Ҳозир недир айтади бизга.

Гап сотади одамлар тинмай
Елкаларга қоқишиб кулар:
— Дельфинлар нендир айтмоқчи бизга,
Лекин айтолмасдан кетади улар.

Биз иловамиз холос
Девордаги урилган миҳлар
Еки шунга ўхшаш ҳоказолармиз.

Биз белгилармиа
Кимдир ниманидир отар бу кулранг деворга.

Агар бепоён деворда
Бирорта белги ҳам йўқ бўлса
Ерилиш бошланар деворда.

Бу барчасидан кучлироқ белги.

МУҚАММАЛЛИК КАСАЛИ

Мен — тузум гулиман,
мукаммаллик учун яралган,
маҳкумман шу касалликка,
Мен — таълим олдим мукаммал,
назорат қилдим ўзни
ва йўлладим мукаммалликка.
Менга бачканалик,
арзон гаплар ёт,
Авлиёман — возик таъб,
иқтидорли зот.
Шундай кимсаман мен —
қўрқаман хатодан,
омадсизликдан,
Кутаман орзиқиб: кимдир елкамга
уриб, руҳлантириб турнишим мен.
Мен — умр бўйи ўзимга
хизмат қилгувчи
восита ва қуролга айланиб қолдим —
Энди қандай ўламан мен
унчалик мукаммал бўлмаган ҳолда?

Бачкигуллар бачканамикин,
Шунчаки гулларми бу гуллар?
Асалари олмас хабарин —
Кимларга зор боқади улар?

Қовоқ пишар. Ҳўкиз ошиқманд.
Телбанамо кишнайдн тойлар.
«Бу — бачкигул?» деганда сизнинг
Нега нафрат кўзингиз бойлар?

Ҳа, бачкигул — шамол боласи.
Туғилмайди улар уруғдан.
Унинг ўтган йилги ноласи
Янграйверар қайта — бермас тан.

Чангланмайди улар ҳеч қачон,
Насибадан табиат қисар,
Ҳосил қувончини билмайди,
Юраверар абадий қисир...

Бу қайси гул, ҳў, ишчан гуллар?
Яшашн шартмикин? Недур шеvasи?
Мен билмайман. Сўқирмиз бизлар —
Кўролмаймиз шамол мевасин.



Кафтингни қўй кафтимга,
Жипслашсин бармоқлар.
Ёстиқ ҳам кенгроқ бўлсин —
Икки бошга етарли.

Ерни ҳам, оғайнилар,
Қўшиб, сўнгра бўлайлик,
Дагда сеники бўлсин.
Меники — Дундазия.

Азалдан шу, чўмичим
Сенинг қозонингдадир.
Майлига, бўлса қўлинг
Киссамда агар менинг.

Мабодо сендан олдин
Ўладиган бўлсам ё
Жангда суғуриб олса
Юрагимни душманлар,

Дўстим, сен юрагимни
Хўрлатиб қўймагил ҳеч.
Уни қўлингга ол-да,
Қора ерга кўм дарҳол.

* * *

Кун ботишга боқар эканман
Елкамга қўл қўяр аллаким.
Ҳаммаси ҳам етарли... аммо
Бизларга вақт етмас ҳар доим.

Ҳазиллашар биз билан ҳаёт,
Улгурмаймиз тўйгунча севиб,
Йиғиб улгурмасдан буғдойни —
«Шарт» узилар ҳаёт деган ип.

Ким жавобгар? Жилгадаги сув
Бўйсунди уни ичганга.
Терган меванг сеники, аммо
Бўйсунмайди вақт ҳеч кимга.

Бу Буюк Вақт.

Аммо мен учун
Ажратилган озгина муддат.
Туғилгандан ўлганга қадар
Менинг фахрим — ҳаётим фақат.

Аждодлар-ку, улар пўлатдан,
Ортда қолиб, синчил боқади.
Биз заифми? Ахир, бизлар ҳам
Яралмадик зангли тақадан!

* * *

Бу ерда бегона ҳеч ким йўқ.
Сен — тошсан. Сен ҳам тош.
Сўзлашишимиз мумкин.
Сукут сақлашимиз мумкин.
Мен сизнинг орангизда
Сукут сақлай оламан,
Шунисига ҳам раҳмат.



Бу дошқозон
Она ҳайкалидир.
Бўшатишган чўян қозон.
Келинлар,
Шу томонга.
«Биз бундай қилмоқчи эмасдик,
Биласиз-ку...», дея йиғланлар
Қошиқларни кўксингизга уриб.

Қўшиқлар қошиқларга текканда
Хотирланг:
Сиз ҳаммангиз ҳамтовоқларсиз,
Эғайнисиз бир қозондан овқат еган.
Сиз — қошиқли меҳмонлар,
Бош эгинг!
Ботиринлар
Ҳайкал теграсидан
Қошиқларни жим.
Гарчи, хунук бу гул...
Лекин, самимий.

Ҳаммамиз борамиз
Ошпоқ қошиқ билан қўлларда
Уз онамизнинг ҳайкали сари.



Хотини қўлига олди-да латта.

Деди: Бугун уйга берамиз тартиб!

Деразани артди, ойна-чи, баттар

Кир бўлди, нима ҳам қиларди артиб.

Каравот тагини супурмади... ва

Жавоннинг шундоқ ҳам ялтироқ юзин

Эринмай ишқади. Пиширди шўрва,

Шўрва эмас, худди заҳарнинг ўзи.

Эри ювош йигит, қўйдай, бенуқсон,

Қандайдир шўрва деб, урмас хотинин.

Эри — сомон тўла тўшак — не тиксанг,

Жимгина ютади, сўкмас ботиниб.

«Албатта, бу чатоқ...» дейди эснаб у,

Кейин ўйлар, «Ўзи, нимаси чатоқ?..

Мундоқ қараганда ёмон эмас-ку...

Ҳаммаси жойида қарасанг ундоқ...»

Шундан сўнг эр-хотин ясаниб, борар

Кинога — у ерда ҳам эснар икков.

Тубандаги латиш қўшиғин улар

Эшитмаган шекилли, лоқал, бирров:

«Эри хотинига, хотин эрга мос

Иккови бир хилда бурун қоқарлар,

Бир куни улардан, худо хоҳласа,

Туғилиб ҳам қолар чўчқабоқарлар».



Фақат фурсатимга ачинаман, бас.
Қолганига асло чекмасман афсус.
Тиланган тилаклар менга керакмас,
Менга тиламанглар обрў ё нуфуз.

Қувноқ зиёфату ширин уйқу ҳам,
Омад ҳам керакмас. Етади бир ой.
Лоақал бир кунни қўлга киритсам,
Ўзим топажакман барин, ҳойнаҳой.

Бир йил бўлса эди! Кўзларим кўрар,
Барчасин — нимани кўзлаган бўлсам!
Бир йилгина ишласам, шунга кўра,
Халақит бермаса ҳеч ким, сўнг ўлсам.

Дўстим ҳам, душман ҳам қароқчи бари —
Юлдузлар учганда номаълум томон
Шивирлай бошлайди менинг лабларим:
Келиб қолмасайди кимдир беомон.

Дўст ҳам, қариндош ҳам келмаса қани,
Кимки яхшиликни истаса менга.
Фақат вақтга ичим қуяди манинг,
Афсус чекмайман мен ҳеч қолганига.



Жудаям катта бўлманг, илтимос.
Лоақал мен кичик бўлай, рухсат беринг,
Оёгимнинг бошмалдоғини ўйнашга имкон беринг.

Қаранг, беланчакда ётибман.
Қўш қўллаб
Оёгимни оғзимга суқаман.

Тан олинг, сиз каттасиз —
Сизнинг суягингиз қотиб қолган,
Сиз энди бундай қилолмайсиз.

Гоҳо-гоҳо катта бўлиб улгайишга
Кичик бўлиб олиш зарур. Бу — муҳим иш.

Агар шуни эплотмасангиз,
Кўп нарса йўқотган бўласиз.

Спираль.

Уйғониш.

Уйлайманки, биз бир нарсани тушунмаймиз?

Спираль,

Спираль деганда каравот симини назарда

Тутаётганим йўқ.

Спираль бизнинг ичимиздан ўтади.

Унинг қандай ўтаётганини сезамизми ҳеч?

Қўлингиздан келадими гоҳ-гоҳ беланчакка ётиб,

Оёгингизнинг бармоғини сўрмоқ, айтингиз-чи?

Агар қўлингиздан келмаса, ичингиздан спираль эмас,

Тўғри чизик ўтади.

У қайишмайди, қотиб яшайверасиз шундоқ.

**Каравот симин спираль атасангиз,
Унда сиз ҳеч нарсага эриша олмайсиз.**

**Шунинг учун кичик бўлишимга қўйиб беринг,
Мен ўз бармоқларим билан овунай,
Ўзимни топайин —
Токи эркин шеърятда, байтда эмас...**

Фавворалар...

Отिलाин кўкларга...

Буларнинг ҳаммаси олдинда ҳали.

Фақат обғимнинг бош бармоғини

Ўйнамоққа рухсат беролсангиз, бас.

Ишонинг, бунинг ижтимоий аҳамияти бор.

* * *

Юлдузлардан бугун кам сабоқ олади одамлар.
Сўнаётган юлдуздан ўрганмаслар буткул.

Вақт эса тошни ҳам силлиқ қилади...
Қояни ҳам йўнади бу Вақт.
У ҳатто инқилобчининг қорини
Семиртириб қўйишга қодир.

Юракни семиртириб қўймайдими Вақт?
Юрак? Бунга ҳам қодир у.

Китоблар бурчак-бурчакларидан ейилиб боради.
Бурчаклари сақланиб қолган китоблар кўпмикин?
Оз. Жуда оз. Сиз ўқиётган ўша китобларнинг
бурчаклари бутунми, қаранг-чи?



Ҳаётда нопоклик кўп, демоқчи эмасман.
Ҳаёт бўлгандан кейин, бўлади-да...
Мен фақат қордай оққушларни истайман.

Ҳаммом икки ҳафтада бир ишлайди.
Бу шанба ҳаммомда дам олиш куни.
Мен-чи, қордай оққушларни истайман.

Бу ўй аввалроқ бошимга келмаганига
Ҳайронман.

Кундузи қуёш иссиқ, шимолдан шамол эсар,
Боғдаги олча ва олманинг
Таналари дуо каби оқ —
Оҳакдан.
Қордай оққушларни хоҳлайман бунда.

Улар биз томонга келишяпти ҳозир.
Ҳозир — уларнинг мавсуми —
Япроқлар йўқ ҳали,
Гуллар ҳам йўқ.
Мен мажлисдан чиқаман,
Сочимга ўрнаган тамаки тутунини тараб.
Қордай оққушларни истайман.

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАСА ИНСОН

Ҳар кимда лаҳза бор, мудҳиш бир лаҳза —
«Чилпарчин бўлдим!» деб ўйлайди инсон.
Бошқа лаҳза ҳам бор — одам ўзини
Вир бутун ва кучли туядиган он.

Баъзилар ўзини жуда узоқ вақт
Уша бутунликда сезиб юради —
Қарганган қарғалар кекирдагидан
Пайтида аямай бўғиб туради.

Пашша босган дерза кўзин синдириб,
Йўл очар ўзию ўзга ўртоққа.
Кимки тез ҳориса, ёқасидан олиб,
Турғазар ва қўяр оёққа.

Зотан, ундаги куч — кучларнинг кучи —
Хақни айта олар ҳар қачон.
Қонга қон олса ҳам душманлар,
Олса ҳам жонга жон.

Ҳаттоки қаноти синган турнадай
Ботқоқ тўнгагида ўтирганлар ҳам
Умрида бир марта бўлса-да ҳатто
Ўзин англашига йўқ сира шубҳам.

Ва у кўрар бирдан: тубан қўрқоқлик,
Хокисор букилган қулнамо бу қад —
Ижодга ишонмай қараш ва уни
Ҳурмат қилмасликнинг маҳсули фақат.



Қанотимиз синган ҳаммамизнинг ҳам.
Оёғимиз чўлоқ бўлиб туюлар.
Ярим йўлда қолдик. Бундай бўлмасди.
Доим иккиланиб юрмасак агар.

Четга ўтиб кутдик. Ўзга карвонлар
Бизнинг ёнимиздан ўтиб ҳам кетди.
Мен-чи, мен ҳам дадил кетаётирман.
Оёғим тузалди!
Қанотим битди!

Асаб шиддат билан олдга ташланди.
Э, шиддат! Мунча ҳам сиймонг чиройли!
Ўз-ўзимни англаш шундай бошланди,
Шунинг ўзи туганмас бойлик.

* * *

Тақдирнинг дарёси
Қўрқинчли бўларди мен учун,
Агар қисқичбақаларим бўлмаганида.

Дештга қўйилар ҳамма ириқлар.
Лекин қисқичбақа
Судрала-судрала изига қайтар —
Она булоққа.

А Ф С У С

Қуёш ботар экан, ҳар куни доим
Бир сўз пайдо бўлар, боши ҳам, маънос.
Кичкина, хивичдай нозик, мулойим
Бахти қора бир сўз. Бу — афсус.
Афсус, отам... Афсус, онам... Афсус, ёшлигим...
Учоқда ёнган ўт, сёнга ҳам афсус.
Афсус, ҳаётда мен хўп кичик бўлдим,
Катта бўлган пайтим, жуда кам, афсус,
Афсус.
Афсус, ўпичларинг... эвазсиз қолди.
Жуда кўч тилаклар тиладик, нэсиз.
Утишди, тушунмай бизни, йўқолди —
Ўзгага ва ўзга ачиндик —
Афсус.
Узоқлар ёнади. Узоқлар келар.
Ё асфальтда ёнган саробми қутсиз?
Узоққа юраман. Етолмайман. Агар
Етолсам, бахтлироқ бўлардим, афсус...
Узоқлар ёнади. Ҳчади. Гуллар узоқлар.
Қонранг байроқ истар, токи ҳаммамиз,
Уша узоқларга етсак... авлодлар..
Мен ҳам истагандим, болам ҳам — афсус...



Оқ унни айтиб йиғланг — оқ ун танқисдир.

Сули уни ҳақда йиғлангиз.

Ун ҳақда йиғланглар,

Нонга айланмайдиган ун ҳақда.

Пиво учун —

экилган,

ўрилган,

қуритилган,

янчилган

арпа ҳақда йиғланг.

Зеро, ачитқи йўқ, ачитқи танқис.

* * *

Вентилятор парраги ёнида
Сайраётгандай қотиб турар жонсиз бир чумчуқ.
Варракни учишга ўргатмоқчи бўлди...
Ва боши узилди шўрликнинг.
Осмон қотиб қолди унинг кўзида.

О, сен эркин жонзод,
Нечун қулга халақит бердинг?

* * *

Ёмғирлар шафқатсиз
Чўқийди бизни...

Беомон, беомон
Калтаклайди дўл...

Қандайдир қўрқув бор ҳавода,
Атрофда яшайди бир қўрқув...

Барибир қўлимдан келганини мен
Ҳаётда қиламан, шубҳасиз.

Токи порлоқ бўлсин
Сенинг тақдиринг.



Олтинчи қаватда бегона жувон
Лифтдан тушиб қолди, мең ҳам изидан
Чиқдим, аммо менинг қаватим бу он
Кутиб турар эди тўққизинчида.

Лифтга яна чиқиб, турдим тўққизда
Изидан номаълум бир аёл тушди.
Бу унинг қавати эмас-ку, ахир,
Унинг кўкрагида не жаёл — тушди?

Энг баланд қаватга кўтарилдим мен —
Юлдузлар милтиллаб турган бир қават.
У ерда яшарди сенинг юрагинг,
Унинг орқасидан чиқдим мен фақат.



Бу қалпоқ
Шамни ўчириш-чун яралган қалпоқ.
Бекор исроф бўлмасин,
Бекорга ёимасин шамлар, дейди у.

Шамни ўчириш-чун яралган қалпоқ
Бир куни қуёшни чарчамасин деб,
Ўчириб қўймаса бўлгани эди.

* * *

Фикр арғувонга ўзини урди
Асалариларни чуватди

Асалариларга қўшилиб
Фикр учиб кирди уяга

Гул чангидан оёғи оғир
Ичи бўм-бўш арилар билан

Учиб кирди уяга фикр
Ва камайди асал ҳосили

Кузда асаларичи келиб
Бошқа уяларни фикрдан

Қутқармоқ учун
Ёқди фикр кирган уяни

Омон қолган асаларилар
Айтишича ўша шум фикр
Дунёдаги энг яхши асал
Ҳақда экан.



Олхўри типирчилар, олча ёлишар
Ялтирар ноқларнинг дўнг пешонаси.
Яланғоч шафтоли, хумда ўриклар,
Ясаниб-тусаниб олган карамлар...
Мен эса бу боғда якка, бегона —
Саҳройи ўсимликлар билан суҳбатлашаман.
Зеро, отам янтоқ, Янтоқ ўғлиман.



Ояр Ваццетисга

Қофияни бунчалар севиб қолдим дафъатан,
Асалга ўч пашшадай ўралашиб қолдим мен.

Кўлда янги кесилган шоҳона гултож билан
Дарахтга тирмашмоқда бир подачи йигит шан.

Йигит йиқилсин, дея кўкдаги қув фаришта
Шамолни ишга солиб, дарахтни қайиштирар.

Онасини қучоқлаб олган гўдакдай бу дам
Дарахтни қучоқлайди подачи йигит маҳкам.

Кучайсин, майли, шамол, дарахт букчайсин яна —
Йигит қўлидаги куч қилаверар тантана.

Тиришмоқда у ҳамон, одамлар ўнгда-сўлда
Дейди: Бари худонинг қўлидадир азалдан!

Лекин гултож йигитнинг қўлидадир — чиқармас,
Дарахтга ишонар у — онасига каби, бас.

ЯККА ҚУЕШ

Осмон менга қилади имо
Якка кўзи билан доимо
Гўё яширинган иккинчи кўзи

Нимэ бўлар бир кунг агар
Уша иккинчисин топсалар

Шу он
Бутун осмон

Якка кўзи билан
Қарар дафъатан

Гўё у бурчакдан
Қандайдир дарахтнинг ортидан
Имлар ниманидир кўрсатмоқ бўлиб

Тана жимирлашиб кетади
Қуёшлар ҳолини ўйлайман

Ғалати
Жуда ҳам ғалати чап томонимда
Осмон боқар якка кўз билан
Ва индамас осмон.



Қара, яшил далани кесиб,
Ўтар қизча — дўмбоқ ва дурқун.
Ҳаво яхши бўлар эртага —
Чунки алвон-алвон ботар кун.

Бунда бари тўладан келган:
Қизалоқ ҳам, қуёш ҳам тўла.
Мен бу шомда яшай олмайман
Ўзга туйғу, эҳтирос билан.

Зеро, мени яшил дунёга
Олиб келди шу муқаддас ҳис —
Иложсиз ҳайратга тушавераман
Дала бўйлаб...

Ўтар экан қиз!



Қара, бир ҳорғинлик келар бостириб,
Биллур гултувакка ўхшаб келар, боқ!
(Ана, чарчаган чол ўтириб,
Ўткир бурпакини ҳидлайди шу чоқ.)

Қара, бир ҳорғинлик келар бостириб,
Нимагадир ишга бормаиди қўллар.
(Аmmo давом этар улар ёнишда,
Чўнтакда чироқдай порлайди қўллар.)

Қара, бир ҳорғинлик келар бостириб,
Кўзалар ўз-ўзидан юмилар ҳорғин.
(Лекин юмуқ кўзалар олдида ҳозир
Дунё пайдо бўлар ҳақиқий, ёрқин.)

Қара, бир ҳорғинлик келар бостириб,
Зулмат шабнам каби кўзда титрайди.
(Ана, қанча одам ҳузуримга кириб,
Йўлни кўрсат, дея мендан сўрайди.)

* * *

Муҳаббатсиз яшаманг, дўстлар,
Муҳаббатсиз ҳаёт — майда ва изсиз!
Муҳаббатсиз ўчоқ тутун қайтарар,
Пичоқ кесолмайди нонни — севгисиз.

Сопи омонату ўтмас болта-ла
Кимдир бу кунларни йўнар чамаси.
Дарпарда карнизи узра ўлтирар
Ялқов руҳимизнинг шайтовваччаси.

Тушуниб бўлмас: дераза раҳида
Нечун гул очилар, дардсиз барқ урар.
Нечун уйғонамиз ўзи саҳарда,
Нечун инсон тунда ухлаб туш кўрар.

Севгисиз яшаманг, чунки у ҳолда
Ҳеч нарса топмайсиз ва йўқотмайсиз.
Ҳар ким ўай ичар ўз идишидан,
Бу нонни икковлон бирга тотмайсиз!

Ўзингча куласан, ёлғизсан, якка —
Ташвиш даласини қиласан шудгор...
Илож бор шу кўйча жим яшамакка,
Жуда кўп одамлар шунақа яшар.

Албатта, илож бор...



I

Пабло Нерудага

Қўғирчоқ одам келди менинг ёнимга.
Талаб қилди одам ўлдирмоқни у.
Ўғирлик қиласан, деб дўқ урди менга —
Шунда мен рангларим ўчиб, дол,
Дунё деразасидан ўзимни отдим.

Барибир изимдан қувишди,
(Лойимиз бир жойдан олинган эди.)
Ўзига ўхшаган ким бўлса, бари
Хукм этади улар ўз қонуни-ла.

Қар ва сўқир эди Юпитер,
Тонг юлдузи Чўлпоннинг тили йўқ эди.
Осмонда шарт кесилган бўғиз сингари
Аланга — қон қусар эди Зухро.

Ортимдан қувдилар чўғ каби ўқлар,
Қувди қўғирчоқлар... йиринг босган Ер.
Худо, даргоҳида жой тополмадим
Йиқилмоқ учун.

II

Биз фақат экамиз
Елвизаклар учун.
Елвизаклар учун экамиз бирорта уруғни эксак.
Биз фақат экамиз,
Ҳеч қачон ўрмаймиз экканимизни.
Осмонга, булутга экамиз,
Мола босамиз,

Утоқ қиламиз.
Экамиз мечкайнинг
Туби йўқ оғзига,
Хасиснинг қўлига экамиз.

Экамиз шамолга,
Совиган кулга,
Улим ичган қадаҳ —
Бўм-бўш бош чаноғига экамиз.

Каринг қулоғига,
Тумсо хотинларга экамиз,
Тун қуши бойўғли учун ҳам
Куппа-кундуз куни экамиз.

Шанкўр товуқларга — кечаси
Ер сеҳрлаган пайти, кеч кузак,
Совуқ сувга, музга,
Кўчкиларга, музликларга экаверамиз.

Қаерда ўсмаса, шунда экамиз.
Қотиллик юз бераётган жойга,
Ўғирлик қилаётган ўгрининг
Кафтига экамиз.



Чироқни ёқаркан, биринчи галда
Кўраман қаламнинг учини:
Қоғоз узра у чопган маҳалда
Нима белгилайди қалам кучини?

Ёзилмаган қоғоз — ботқоқ ёки жар,
Ёзилмаган қоғоз тундра демак —
Қалам қандай топар кичкина сўзлар
Қай дўнглик ортида яширинганини?

Мана, ўша қалам-исковуч
Кечиб ўтди ботқоқ-қоғоздан.
Мен усиз ўтганда кўрмагандим ҳеч
Қоғозда бирорта нарсани,

БЕЗБЕТ

Баъзан уяламан ўзимдан,
Баъзан уялмайман мутлақо —
Гадолик тўрваси кўзимга
Иссиқ кўринади гоҳо.

Дуч келган эшикни очаман,
Сўрайман: — Берингиз менга нон
Ёки ёт — мен жуда ҳам очман,
Қорнимни тўйгазинг, ошнажон.

Уялиб кетмайман агарда
Десалар: «Ўқиздай бир йигит
Қандай ишсиз юрар шаҳарда?» —
Менга кор қилмайди бу ўгит.

— Сизга керакмасми, — дейман мен, —
Масхарабоз, қизиқчи одам?
Инсон юрагига зарур-ку, ахир,
Гоҳида муқаддас дуо ҳам.

Сизнинг боғингизда саллагул
Мен туфайли барқ урар бугун.
Мен борманки, сиздаги қадар
Тумандай кўтарилар кечқурун.

Нон учун ҳаммангиз курашга тайёр,
Гул учун-чи, ким курашади?
Нега мени кўрган заҳоти
Сабр-паймонангиз тошади?

Ахир, менинг шарофатим-ла
Хушбўй бўлади-ку нонингиз —
Нима бўпти ўша нон учун
Бўлсам агар мен меҳмонингиз?

Токи сиз қизларнинг гулчамбар
Тўқий олишини истаркансиз, ҳеч
Оғринманг, сув сўраб келсам гар
Эшик қоқсам хоҳ эрта, хоҳ кеч.

Шундай. Уй эгаси мабодо,
Хўмрайса ё айтса аччиқ гап,
«Ҳечқиси йўқ» — дейман ўзимга,
Уялишга йўқ каби сабаб.

Мен фақат ачиниб кетаман:
Бу одам ҳеч қачон кулмайди,
Унга қанча бойлик беришим
Мумкинлигин, афсус, билмайди.

Тақдирим ҳақида заррача
Қайғурмай тушаман йўлга мен —
Уялмайман ҳеч қачон, қайта
Тўрвамни олганда қўлга мен.



Мени куттирмагин, имидлайверма :
— Ҳозир... ҳозир...
Доим «ҳозир!...» дейсан
Қилиб мунтазир.

Гапирмагин ортиқ
— Улгурасан, — деб.
Сониялар ёғар бошимга,
Жаранглар ҳадеб.

Вақт ўзининг ҳар бир лаҳзасин
Менга отар ўқ қилиб,
Мен ёниб кетаман, сен бўлса
Қарайсан, шунчаки, кулиб.

Тепамда учади лаҳзалар,
Учади. Сўнг ерни қучади.
Биласанми, миллион фикр туғилар
Уша бир лаҳзанинг ичида!

Уша бир лаҳзанинг ичида!
Миллион фикр ўлади, ахир —
Елкамга ёғадн сониялар —
Елкам бекор кетган вақтдан яғир.

Икки ё уч дақиқа тугул
Бир дақиқа кута олмайман.
Бекор кетса икки дақиқам
Нафратлашиб қоламан сендан.

На якки-уч, на бир дақиқа
Зое кетгай бугундан буён.
Ахир бу ер у мазгил эмас,
Юлдузларни ёгдирмас осмон.

Биз етмадик ҳали самодан
Юлдуз ёгадиган жойгача.
Сен енгимдан тортма орқага,
Кутолмайман сени заррача.

МЕН — БУ МЕНИНГ ҰЗИМ

Мен — бу менин ғұзим,
Яъни четан дарахтиман мен.
Чўғдай меваларим теварагида
Жамланиб дунёнинг бор фикрлари
Зағчалар сингари баҳс юритишар.
Сен бўлса, ҳар битта шохимга менин ғ
Осмоқчи бўляпсан эман ёнғоғин.

Картошканин ғ гулиман, холос,
Сен бўлса атиргул,
Чиннигул нафасин истайсан мендан.
Нечун, ахир, мендаги йўқин
Бор қилмоқчи бўласан, нечун?

Узини айтганин ғдек, болаларча назар —
Бу мен — ўзимман.
Биринчи оқ сочим,
Сўнги оқ сочим,
Қондириб бўлмас бу ташналик,
Юракнин ғ беомон очлиги,
Мунтазам интилмоқ шодлиги
Тўхтаб қолгандаги оғриқ ҳам —
Меники.

Бу мен ўзим.
Йиқилганим йўқ пойини ғга,
Муҳаббатини ғ билан юксалмадим ҳам —
Ниманки истайсан сен мендан яна?

* * *

Узи бир лаҳзадан,
Лаҳзанинг ичидан туғилди бу гул.
Овозини эшитди бошқа гулларинг,—
Мангулик ётарди тўрт томонида.
Кейин нима ҳам бўлди-ю,
Такрор
Лаҳзага айланди
Лаҳзалик бу гул.

КУНЛАР

1

Кун дегани недир? Кунлар — катта тоғ
Сенга етажакман шу тоғни тешиб.
Ҳали бир-бирини топган кам, бироқ
Ўзин ҳам бировга бермайди ҳеч ким.

Мана, тоғ. Кавлайди иккита одам:
Улар ўйлайдики, учрашар бир кун —
Тоғнинг ўртасига етган бахтли дам
Учрашамиз деб ўйлар ичида ҳар ким.

Мен билмайман, мажбур қилган ким,
Бу йўлга йўллаган кимдир уларни,
Тоғни ўяр экан, туғилиш, ўлим —
Шу туннел ичида юв берар бари.

2

Қайдадир ўйсан тоғни мен томон,
Жуда ҳам оз қолди — бир чўкич зарби.
Сўнг иккимизга тегар бир ризқ бир замон,
Бир сабоҳ, бир оқшом, бир ҳаёт дарди.

Истиқболим томон тоғни ўйсан.
Тинглайман, жим бўлар даъфатан қоя.
Мен эса ўйишда давом этаман,
Чиқаман сен ёққа бир кун ниҳоят.

Чиқаман. Аммо сен бўлмайсан унда.
Илтижо этаман ботаётган кунда,
Лекин шафқатсиздир бу сўнгги нурлар:

— Адашиб кетди — дер, — сизнинг
туннеллар.

Шунақа. Кавлайсан. Нариги ёқнинг
Чўкичи бермайди сенга ҳеч жавоб.
Мадори қочади сенда оёқнинг,
Утириб қоласан... «Оз қолувди-я...»

Мана, кавламоқда. Сени эшитмайди.
Унинг йўли сенга етмас ҳеч қачон.
Мабодо, топсанг ҳам, барибир,
Ўзин асрай олмаган бўлар у инсон.

ИШОНЧСИЗЛИК ВА ИШОНЧ ҲАҚИДА

Келсангиз марҳамат, келингиз.
Кетсангиз яна ихтиёрингиз.
Барча эшиклар очиқ,
Ҳамма эшиклар ёпиқ.

Дўстлашмоққа, гийбат қилмоққа
Келинг бир дам, ё тонгга қадар —
Эшигимиз очиқдир доим
Еки мангу ёпиқ эшиклар.

Қанча хушҳол бўлманг, қадаҳга
Қанча куйманг, рақс тушманг бот —
Ё қуярлар сизнинг қадаҳга
Ёки қуймас сизга умрбод.

КЛЕПТОМАНИЯ

Хиралик, саводойилик, эҳтирос —
Онангдаи нимадир ўғирлаб
Хотиниягникида яширмоқ,
Хотинингдаи ўғирлаб —
Ўзингникида,
Ўзингдан ўғирлаб
Шеърларингга беркитмоқ,
Шеърларингдан ҳам ўғирлаб,
Яна чуқурроққа яширмоқ уни.
Чуқурроқдан ҳам ўғирлаб,
Қайга қўйишингни билмай юрмоқдир.

XVZ

Йиғидан
бўғилиб
дунёга келдим.
Гўдак — ҳамма учун жумбоқдир,
Ҳамма учун мен икс (X) эдим.

Туғилар тухумдан кўплаб жўжалар,
Туғилар балиқлар — югурик.
Кун оша мен ўсиб, одамлар учун
Бўла бордим икс, игрик.

Куним битса бир кун агар,
Ерга кўмса мени одамлар
Улар учун мен ҳам кетма-кет
Бўлажакман икс, игрик, зет (XVZ).

Чопдик шундай бирнинг ортидан,
Рўё — нольни қувдик умр бўйи.
Ўзимизда бор жумбоқни биз
Ўйламадик, кетдик шу кўйи.

Аслида-чи, ҳақиқий сароб
У ёқдамас, бу ёқда эди.
Гоҳо-гоҳо кўзгуга қараб,
Билардикки, ўзимиз рўё.

Рақс тушар арча остида
Фаришталар, шайтонваччалар.
Сянчиклаб боқ, ўзимизники,
Рақс тушар
шўх икчалар.



Кечки туман ортида икков
Туман кўланкага айланиб,
Ғира-ширалжқда
Секин-аста бўламиз ғойиб.

Йўқоламиз,
Вужуд кўринмас.
Фақат бир ҳис: гўё ўтгандай
Бнимиздан кимдир элас-элас.

Гўё шитир-шитир тушар япроқлар,
Гўё эшик очилар, инграр.
Гўё сенинг қалбингни бунда
Тузатмоққа келди афсунгар.

Гўё дарахтлардан биттаси ухлаб,
Япроқсиз уйғонди ва шунга ҳайрон,
Кимдир теккизмоқчи бўлди сенга лаб,
Лекин тегмай кетди,
Ғойиб бўлди шу он...

СУВ ПАРИСИ ҰҒЛИНИНГ ҚҰШИҒИ

Сув париси ўғлиман мен,
отам — ким, билгим келар.
Ой ипига тирмашиб мен
кўкка юксалгим келар.

Тирмашмоққа рухсат йўқдир,
отам — ким, айтмас ҳеч ким;
нотинч сувда онам каби
мажбурман, яшаш лозим.

Ойқулогим оғрир менинг,
оқшомлар уйқу бермас,
ой кўксимни тилар менинг,
мен нурига интилгум маст.

Сув остида йилтирайди
маънос нур сочиб лангар;
она, кечир, кўкрагимда
отамнинг қалби санчар.

Дарё ҳақда, денгиз ҳақда
майса ҳақда сўйлайверма.
Эркин қўйвор мени, йўқса,
чақираман отамни ман!

СЕН МЕНГА КЕРАКСАН

Қувонаман, мендан талаб қилмайсан ҳеч ясама —
Муғомбирлик ё ўжарлик, сохта кулги ё шама.
Сен ўзингни тежамайсан, ўйламайсан, қувноқсан.
Қалбимда бир саришталик пайдо бўлар сен боқсанг.

Пайдо бўлар сен боққанда ишонч менинг кўнглимда:
Иўлим узоқ, машаққатлар кўп бўлажак йўлимда,
Яъни умрим бурчи ҳали ўтолмаган албатта,
Сўнгни поезд жўнашга шай тургани йўқ бекатда.

Сўнгни поезд жўнашга шай бекатда тургани йўқ.
Ҳали ҳолдан тоймадим мен, ҳаётдан эмасман тўқ.
Иўлим оғир, йўлим узоқ — нигоҳ етмас кўргани,
Нон сингари менга азиз, тўйимлидир баданинг.

Нон сингари менга азиз, тўйимлидир баданинг,
Оғир, аммо ҳавас қилса арзир тақдирим манинг.
Ҳаёт каби ўзингга жалб этасан, амринг буюк,
Сен босган ер, ушбу замин тенги йўқ гўзал, суюк.

Сен босган ер, ушбу замин тенги йўқ гўзал ердир,
Бунда — олча ифорлидир, атиргул — ипак сеҳр.
Макон ҳамда мангуликдай менга кераксан, эркам,
Сен — макондай туманлисан, мангулик каби эркин.

ҚУШ ПАТЛАРИ

I

Шайтон, сиёҳдонга беҳуда кирдинг!
Чунки бугун худонинг болалари
Урмон чеккасида дайдиб, теради
Қушларнинг патини ва менга берар.

Ҳар бир патнинг учи кўрсатар аниқ
Қайси қуш қаёққа учиб кетганин.
Шунингдек, кўрсатар қушларнинг
Қайтиш йўлини ҳам бехато.

2

Қара, анави пат шунқор ортидан
Отилди — қочиб қол, бўлмаса,
Сени тешиб ўтар шиддати билан.

Учар иккинчиси бойқуш изидан
Кўҳна уйлар аро, шошилиб.
Кеч қолиб кетмаслик учун визиллар.

Ана, йирик-йирик кўзаларга ўхшаб
Учар товус пати ўрмонлар узра.

Ёстигим ичида хўроз қичқирар —
Биринчиси қичқирди.

Ана иккинчиси.

Ниҳоят, қичқирди учинчи хўроз.
Мен ёстигимнинг чокини сўкиб,
Қўйиб юбораман уларни кўкка.

Шамол шўрлик ожиз:

Қушлар ортидан

Учаётган патлар йўлин тўсолмас.



Борди-ю, ол тита стулнинг бўлса —
Ёқиб юбор ярмини.
Осмонга тутун ўрлаб турса бўлгани...

Деразангизни чирмаб турган
Уша гулларни ёқиб юборинг,
Бунинг ҳам аҳамияти бор.

Бўйингизга чирмашган
Момик қўлларни ҳам
Беришга тўғри келар
Бир кун оловга.

Қар хил лаш-луш билан бир кун ёнар юрак ҳам —
Буни биласиз.
Мен ёниб, тамом бўлганимга қадар,
Кимлигимни билмадингиз сиз.

* * *

Бу оқшом ҳеч ким
ҳеч ким маст бўлолмас тўйиб ичолмас
стакандаги иссиқ чойга ташла мени бир қошиқ мисол
совисин майли

тил куядиган жойга
чидаб бўлмайдиган иссиққа
стаканга ташла мени
майли совисин

менга қайғурмагил
уларни ўйла
куйдирмаса бас ўшаларни
қайноқ сув

қайноқ сув
қайнаётган сув

қошиқ мисол ташла мени шу стаканга
ишон менга қўрқма
ташла мени шу қайноқ чойга,

ПАРВОЗДАГИ ТОШ

Келинг, суғуриб олайлик бу ертўлани ердан,
Қуш қафасига айлантириб, тепага осайлик.
Тутунни тутайлик-да, айлантирайлик уни
Сариқ торфга
Е бирор мевага.
Ким қарши турулар бу мўъжизага?

Тош собит эмас-ку, ҳатто тош
Собит эмас, ахир, мангу ҳам эмас —
Ўз кўзларим билан кўрдим мен тошнинг
Минорага чиқиб, уя қурганин
Қаргаларга монанд тухум қўйганин —
Тўкканини кичик-кичик тошларини,
Улар учишни ҳам ўрганди кейин.
Нечун таажжубга тушамиз, кўкда,
Парвоз этиб қолса ногаҳон тошлар?

Мангу яшил кунда, баҳор кунда
Иссиқ ўлкалардан қайтиб келган тош,
Қайинга қоқилган ўз уясида
Бахтиёр куйлайди, қўшиқ айтади.

У ўз қанотлари ҳақида куйлар.

* * *

Не ҳам дей мен сенга кўприк тагидан?
Ёмғир томчиларди, эсарди шамол.
Фақат бошим узра — кўприк устидан —
Сен ўтган арава зап гўзал эди —
Ярақларди худди тилла узукдай.
(Тўғри, кўприк оша қулаб тушмоғи
Мумкин эди унинг... Худо сақлади.)
У ёқ ҳам, бу ёқ ҳам бир турли еру

Уртада бир дара. Эвоҳ, камалак!

Не ҳам дей мен сенга кўприк тагидан?
Пастдан — юқорилар яхши кўривар.
Бахтлидир кўприкнинг остидан чиққан.
Чунки камалак ҳам — само кўприги —
Бизнинг кўзимизга кўринмайдиган
Бошқа кўприкларнинг сояси ҳолос.

* * *

Кипсала кулолларига

Хумга танга пуллари солиб,
Кўмиб қўйиш керак яширин
Ва ёнида лой ёпишган бир
Белкуракни қолдириш керак.

(— Бу зарғалдоқ кимни чақирар?
— У ёмғирни чорлайди фақат.
— Қардан билади ёмғирни
Чорлашни зарғалдоқ боласи?)

Демак, хумга тангани солиб,
Ерга кўмиш керак яширин.
Фақат ҳамма билиши лозим
Кўмилган бу пуллар ҳақида.

(— Нени излар Антис у ерда?
— Чиганоқдан марварид излар.
— Қизиқ, унга ким айтган экан
Чиганоқда марварид бор деб?)

Шундай, хумга тангани солиб,
Кўмиш керак бир тепаликка.
Фақат ҳеч ким билмасин, бу хум
Кўмилганин қай тепаликка.

(— Тепаликда не қилар Антинь?
— Саулцерита¹ изидан чопар.

¹ Я. Райниснинг «Олтин от» пьесасидаги қаҳрамонлар.

— Буни унга ким айтиб қўйди
Умуман бу қизчинг борлигин?)

Хумга танга пулларни солиб,
Кўмиб қўйиш керак, вассалом.
Қолганини чироқлар қилар,
Милт-милт ёнган сирли чироқлар.

* * *

Бирдан дунё жям бўлиб қолди.
Қуёш нафас олишдан қўрқиб,
Кўкда туриб қолди серрайиб —

Шамол ўз йўлини ўзгартганикин,
Посбонлар ўрнини алмашдими ё,
Ўзгардими ёки менинг овозим:
Узоқ давом этди, ҳарна, ёшлигим.

* * *

Пайти келди — гулласин новда,
Пайти — ой ҳам ёрилсин кўкда:
Айни пайти, дунёга келсин,
Дўмбоққина жажжи ойчалар.

Пайти келди — қудуқ, эшиклар
Ҳаялламай оғзини очсин.
Тирқишлар ҳам тез бекитилсин
Ва тилладан занжир солинсин.

Чорлаш пайти чумолиларни,
Пайти — кафтга қўйилсин қуёш.
Агар бу иш қўлингдан келса,
Ишонавер, кафтинг куймайди.

* * *

Бунда бегоналик рутубати бор.
Кетаман, қаерга бошласа бу бош.
Болалигим каби, дарахт учида
Узоқ туролмайди бугунги қуёш...

Ғалати ҳисдир бу, ахир мен доим
Интилган эдим-ку шу ерга, бироқ
Яқин эмас экан яқиним менга —
Дарахт учидаги ул танҳо япроқ.

Нафақат у япроқ, ҳатто юлдузча,
Уша рангпар юлдуз қўлимда бўлаб,
Кафтимда эриккан, эвоҳ, мен билан
Бегоналар каби сўалашар «сиз»лаб.

* * *

Вақт ўтмасди.
Бу севги эди.
Вақт севги олдида тўхтайди фақат.
Онларни қум каби
Таталаб йиғиб
Сочардим хоҳлаган ёққа бемалол —
Ёки у томонга, ё бу томонга,
Бунинг фарқи йўқ эди.
Темир тўхтагани занглашдан.
Эсдан чиқаргани гуллар сўлмоқни.
Биз бўлса, ҳисобни унутган эдик.

Олий ҳисобларга кўра ҳам, ҳатто,
Севгиянинг ҳисобни билмаслиги
ажойиб ва гўзалдир.

БИР ГУНОҲ

Ёлғиз гуноҳи шу Одам Атонинг —
Ошиқ бўлди-қўйди Момо Ҳавога.
Худо кечирмади бундай хатони,
Ғазаби сизмади унинг самога.

«Қандай журъат этдинг бунга, эй Одам?—
Деди у ғазабкор,— билардинг-ку, сен —
Муҳаббат-чун яралган бир Мен!»
«Мен ҳам!» деди Одам дафъатан.

«Сен ундай эмассан!— бақирди Худо,—
Шайтоннинг косоғи монанддир сенга!
Наҳот, ёстиқдумба шаллақи билан
Тушиб кетдинг шунча тубанга?»

«Сен ўзинг яратган ердан ҳам пастроқ
Қасам ичаманки, кетмадим тубан.
Гуноҳим шунчами жаннатдан ахир,
Ҳайдалишга лойиқ нима қилибман?»

Барибир ҳайдади — худога шукур!
Тўғриси, лекин бу ёмон бўлмади!
Энди биз ўз севган хотинимизни
Не қилсак қиламиз, кўнгил тўлади.

Елга совурамиз анжир баргини
Момо Ҳаво кокилин ўрар экан гоҳ,
Биргина шу гуноҳ — ерники эмас —
У — жаннат гуноҳи! Жаннати гуноҳ!

**На-да Одам Ато, на биз жаннатга
Бормаймиз. Шу замин бизга етади.
Фақат ўша гуноҳ бизни гоҳида
Бир лаҳза жаннатга олиб кетади.**



Ҳеч кимни кутмаган эдинг, сен аммо
Кириб келди синглинг — Ёлғизлик —
Сочлари тим-қора, кўзлари чағир
Синглинг — Ёлғизлик.

Аканг кетиб қолди, хотиниң қочди,
Озодликка чиқиб кетди кучугинг.
Ўша кетиб қолган шахслар ўрнига
Кириб келди синглинг — Ёлғизлик

Ҳаммасини энди ўша бажарар:
Чойшабларни ювар ва чой қайнатар,
Тикар-ямар. Фақат ухламас
Кечалари синглинг — Ёлғизлик

Қора ерга ётсанг бир куни албат
Бошингда йиғлашар уларниң бари,
Шошилиб йиғлашар, тез тарқаб,
Давом эттирмоқ учун ўз ҳаётларини.

Фақат синглинг қолар сен билан
Тобут қопқоғини оҳиста очиб,
Ёнингда ёнма-ён ётмоққа қолар
Ўша сениң синглинг — Ёлғизлик.



Езган эдим, беш эдими, ё олти дона
Мавауси йўқ, ёзилди-ку, қайдан бу шеърлар.
Салқин, ором истаб боқдик лабимиз ёна,
Ташна эдик — тушкимизга кирди ёмғирлар.

Ўлиб кетди уч зарғалдоқ — уч опа-сингил,
Ичгим келди, биллолмайман не сабаб, кечир.
Мавауси йўқ олтита шеър, олтита шингил
Қайдан келди, биллолмайман, олти дона шеър.

Ҳаммомнинг дарчасию
Қуртлаган қўзиқориннинг тешикчаю
ва туннелда кўздан ғойиб бўлган поезд. ●

Ҳаммаси қадрдон уйимга чорлар!
Кўпдан буён кўрмаганим:
Горда яшаётган
Қадим мўйсафидлар ёнига
Яна ҳам ичкари кириб борсайдим.

Ҳаммом дарчасию
Торгина сичқон ини
ва туннелда кўздан ғойиб бўлган вагонлар.

Учоқнинг олдига мардона кел-да,
Хавфсизроқ бўлса, бас, қўлингни узат —
Оловга ва «олов мендан ожиз!» — де,
«Чидайман!» — де, — ўзни чеккадан кузат.

Баланд шаршаранинг тагига келгин,
Туриб ол даҳшатли гулдурас аро,
Кўксингдан чиқаётган қичқириқни енг,
Енгилсин тиззангда ваҳмали титроқ.

Мардлик деганлари ҳеч нарса эмас,
Биров қараб турса, кўриб турса, бас —
Елвизакда турамиз, жарга тушамиз,
Хафли қояларга тирмашамиз маст.



**Атиргулни шошиб тарк этма —
Очилгунча ёнидан кетма!
Жала қуйса, дўл ёгса нетар,—
Атиргулни шошиб тарк этма.**

**Совуқ нафаслари совуқнинг
Ахир уни куйдириб кетар,—
Атиргулни шошиб тарк этма,
Очилгунча ёнидан кетма!**

* * *

Қора тутун юкеакка ўрлар —
Осмошни бўямоқ истар мўрилар.
Кўкда — менинг балиқчи қушим,
Чағалайим. Ошпоқ чағалай.

Мен бошқа бир сўз ҳам демайман,
Фақат кўкда менинг қушчам бор.
Тутун қора. Қушчам эса оқ.
Елғизгинам менинг, оқчарлоқ.

Турналар кетгандан уч кун сўнг
Биринчи қор тушади.

Латвиш халқ мақоли

Совиб қолган дарё соҳилин
Ташлаб кетар турналар йиғлаб.
Уч кун кечиб, тўртинчи кун
Қор ёгади, бу-ку турган гап.

Аmmo ўша уч кун ичида
Бизнинг бағир оғир тирналар —
На қор бордир ва на биз билан
Хайрлашаётган йиғлоқ турналар.



Туриалар бир лаҳза қарайди маънос,
Улар жигоҳида соқов бир гина.
Биз бўлсак, ташвишдан бош кўтармаймиз —
Шунда учиб кетар улар жимгина.

Гала кўтарилар. Лекин ногаҳон,
Топдай қулар ерга баҳайбат турна
Унинг тумшугида сўзлари ниҳон —
Қотиб қолган гина — кўксимиз тирнар.

Далада гуллардай бир-биримизнинг
Тушимизга кирдик. Лекин манов гул
Қўшни гул дардини сезмас. Сезмайди
Гинани. Очилмай қолади кўнгил.

Бир япроқ иккинчи бир япроқни ҳеч
Койимас ўзининг тақдири учун.
Бошим оғиб борар, энди кеч —
Бошни кўтармоққа етмайди кучим.

Утарсан хок узра, оқ юз, пиёда
Улутиб ҳаммани, бахтларга тўлиб,
Кўзингга кўринсам керак афтода
Букчайган, қоп-қора, қуюқ гул бўлиб.

* * *

Бордоқчангда сувингни чайқатмагил, Авяжон.
Денгиз, уммон тубларида лойқа кўндир, лойқа кўп.
Сенинг сувинг тоза ахир, тўкайни бу шаффофни
Ювинди ташлайдиган ҳандақ эмас,
Сахрога.

Оқ қайни сушургиси ҳаммомда ётар яшил.
Соҳили ўйдим-чуқур, ўзи силлиқ денгизнинг.
Сенинг ойдни исмингни тилга олишдан аввал
Кенгурунинг сути-ла
Юважакман тилимни.

Кузда шудгор бўлган ер қишда оппоқ ёнадир,
Ҳатте қера қаргалар ҳам қордан оқарар қишда.
Йиқилганимда кўтар ушбу оқ байрогимни!
Енгилганим аяғлатмас
Бу оқ байроқ ҳеч қачон!

И Н Е Р Ц И Я

Ким биринчи қўзгатди уни турган жойидан?
Энди юмалайверар қорнинг гуваласидай
Ва каттайиб борар тош!

Кичкина бир тош эди чўққидан узилган он
Мана, у юмаларкан, каттаймоқда беомон,
Кучланиб борар бебош.

Ақлли илон қочди, қочди маккор тулки ҳам,
Чунки юмалар эди, юмалар эди бу дам
Тобора каттайиб тош.

Четга қочиб қолар фил, қочиб қолар сув оти
Тош туфайли хавфдадир чунки улар ҳаёти —
Каттаймоқда у бебош.

Баҳайбат тош тобора огирлашиб юмалар,
Тагига тушган уйдан қолар парча кулбалар,
Тўхтатиб бўлмас уни.

Шунда биз қарши чиқдик. Биринчи Андриев,
Тошга рўпара бўлди — уни янчиб, ўлдириб,
Юмалайверди бу тош.

Бу қўшиқ эски эрур, эскирар, парвардигор!
Отланди тошга қарши Мартин, Кришус шервор —
Фойдаси бўлмади ҳеч.

Қишлоқ, ўрмон, яйлов ҳам таслим бўлди-ку, лекин
Телба Ансис негадир кийиб дарров этганин
Рўпара бўлди тошга.

Бунақа Ансислардан кўпи янчилди... бироқ
Бирдан Микус уйғонди... укалари ҳам... шу чоқ
Мен кўрдимки, тош қўрқар — қўрқиб қолган эди

ТОШ —

Ана, тўхтатилди у — ажриқ босган, олар тин.
Мен бодринг тузлайман, сен бўлса қўзғорин.
Энди тошдан қўрқмаймиз.

Бугун ҳеч ким ишонмас бу тошнинг бир замонлар
Андрияль ва Кришни янчиб, тўкканин қонлар.
Шу ётган оддий тош-а?

Лекин ҳали чўққидан қулайди кичкина тош —
Қисқичбақа қочади, қуёнлар ҳам бўлар чош,
Ғойиб бўлажак ҳамма.

Шунда, дўстим, сен нима қиласан, айт? О, худо,
Микус ўша балога қарши чиққани ҳақда
Қўшниқ бизга — шбтидо...



Тошнинг томирлари тортилмиш тарапг —
Менинг тошим уйгоқ турибди.

Томирлар шиддатга дош берар аранг —
Менинг тошим уйгоқ турибди.

Бедор чавақ балиқ, дегиз майсаси,
Ухламайди ҳеч ким, ҳеч қачон.

Тошнинг феъли — мужассамликдир,
Кун сайин ўсар у, сиртга эмас,
Тош ўсар ҳамisha ичига қараб.

Қуш — сиртига, тутун — сиртига
Қараб ўсар, сен ўсолмасанг
Ўзингдан кўр, ўзингга ёмон.

Ичдан ташқарига эшик йўқ бунда
Фақат ичкарига кирмоқ мумкиндир —
Фақат ичга томон мумкин интилмоқ.

Кабутардай яланғоч бу тош
Ўз ичига қараб учади.

ЭПИФАНИЯЛАР

Суратлар — махфий сейфларга ўхшайди. Суратлар — номаълум томонга олиб борувчи эшикларга ўхшайди. Мен хочам деворларига осилган суратлар чангини ҳеч қачон артмайман. Меҳмонлар тарқалган заҳоти, у ёки бу сурат чорчўлидаги чангга тушган лнги изларни топа бошлайман.

Мана бу суратга кимдир киргани шундоқ кўриниб турибди! Киришга уринган, мана.

Улардан бири сурат чеккасида ўтириб чеккан, у ёқ-бу ёққа юрган... ва киролмай қайтиб кетибди...

Иккинчиси ҳу анови тошгача борибди, харсангни ўрнидан қўзгатмоқчи бўлгани шубҳасиз, кейин у тепаликдаги кўрсичқон ини олдида бир оз турган, омборхона эшиги тирқишидан қараб, ҳеч нарса кўролмай, совиб қолган қаҳвасини ичиш учун даврамизга қайтган.

Учинчи дўстимиз ҳам нимадир излабди, суратнинг ўнг буржидаги тошни ағдарибди-да... ўзи қаергадир гойиб бўлибди. Хуллас, биз Паул Путининининг «Олтин илоҳа»сида бирор гоё борми ёки йўқми, деб баҳслашаётган пайтда ўша учинчи дўстимиз орами да йўқ эди.

У изнига қайси йўлдан қайтдийкин, деб суратга узоқ тикиламан. Аммо изини тополмайман. Барча бўёқлар ўз жойида, бирор ранг тусини ўзгартирмабди. Ҳатто чорчўп четидаги чангга ҳам унинг қайтган излари кўринмайди.

Алламаҳалда йўқолган дўстимнинг хотини қўнғироқ қилиб, Язепни кўрдннгми, деб сўрайди. Кўрдим, дейман. У суратдан ҳали чиққани йўқ, суратда бўлса керак ҳали ҳам.

Унинг хотини тезда етиб келади ва биз бирга Язепни излаймиз — қайси тош ортига яшириндийкин? Садо йўқ. Чақирсақ, жавоб бермайди.

Кеча мен гулларга сув қуюётсам, суратдаги тошлар бирдан ғимирлаб қолди ва суратдан Язеп чиқиб келди.

«Сен суратни ҳаёт билан адаштириб қўйдинг, шекилли?» сўрадим ундан.

«Ким? Менми? Сен ўзинг суратда яшаб юрибсан. Омборхона ортида нималар борлигини билмайсан, шўрлик. Мен ўша ерга кўчиб ўтмоқчиман, лаш-лушларни олиб келиш керак. Дарвоқе, хотинимни кўрмадингми?» дейди у менга.

Уч соат ўтар-ўтмас улар картинадаги ўша омборхона ортига кўчиб ўтишди.

Шу бўлди-ю, менда бир безовталиқ пайдо бўп қолди, кимдир мени чақираётгандай туюлаверади. Баъзан мен Язепнинг овозини эшитгандай бўламан, сўнг яна жимлик чўқади.

Балки ростдан ҳам Язеп эмас, мен суратда яшаётгандирман, ким билади?



Айланиб ўтмоқ шарт... Нимани айланиб ўтишнинг аҳамияти йўқ — гулни ё денгизними — барибир. Гул ва денгиз бепояликда тенгдир. Тўғри денгизга қараб чопиш эмас, гулнинг ичидан ёриб ўтиш эмас, айланиб ўтмоқ, қошида қолмоқ лозим.

Денгиз кун бўйи осмон ато этган нурга тўлади. Кечаси эса кун берган илиқликка лиммо-лим.

Ёз оқшомида денгизнинг ёнида юрсам, ундан ҳарорат уфуради. Соҳилда одимлар экан, қўлларимни қанотдай ёяман — бири ердаги туман, иккинчиси тунги денгиз узра муаллақ юради.

Мана шуни яқинлик деб атаган эдим. Худди шуни.

Шамолли тунда денгиз атрофида юраман. Зулмат оралаб тўлқинлар келади, уларни эшитаман, фақат кўрмайман. Кейин қисқагина нидо — тўлқин товуши эшитилиб, садаф тишлар мисол ярқираб кетади нимадир ва яна силлиқ қум билан қоронғиликнинг ўзи қолади. Уфқ ҳам, соҳил ҳам йўқ, фақат зимзиё тун, гоҳ-гоҳ ўша тўлқин қисқа милтиллаб қўяди. Садаф тишларнинг тизимидай. Денгиз яқинлиги шу.

Айтинг-чи, сиз тунда пичан ғарами ёки хашак уюмини тополмай, излаб юрганмисиз ҳеч?

Яйлов узра оҳиста юрасиз, ҳароратнинг қайси тарафдан чиқаётганини билиш учун, қўлингизни олдга чўзиб қадам ташлайсиз. Бир-икки одим отгандан сўнг... Бу болалар ўйинига ўхшайди: яширинганини топиш учун, кўз боғлиқ, қоқила-қоқила унга қараб юрасан: узоқроқда бўлсанг, «илиқ» деб бақирришади, яқинроқ келсанг «иссиқ» деб, ёнида турсанг, «қайноқ!» деб чувиллайди атрофингдагилар...

Шунингдек, сен ҳам қўлингни чапга чўзиб, ҳароратни сезасан: улкан, пичан ғарамидай ҳарорат. Унинг ичига кириш учун мев ғарами айланиб ўтаман, кўзга кўринмас бир чегара бўйлаб, ҳароратнинг тожи бўлмиш чизик атрофида айланаман: Унинг кучи ўша тож-айлана тутаган жойда тамом бўлади.

Ошназ қозоннинг гирдида, тарелкасининг гирди-

да гирджакапалак бўлади. Унинг учун таом — товоқ тўла овқат эмас, балки хушбўй ҳидлар тепалиги, ошхона осмонидаги хушбўй бўронлар ҳамдир.

Баъзан менинг нотаниш хонадонга киришим оғир бўлади. Менга кимнингдир қалбига сўроқсиз кираётгандай туюлаверади.

Шунда мен ўша уй атрофидан айланиб ўтаман.

Ҳар бир уйнинг ўз тожи бор. Нурдан. Баъзисида тож кичик — эшигидагина, деразаси олдидагина, холос. Баъзи уйлар тожи жуда катта бўлади: тож овоз бир шиддат билан девор ва тўсиқлар оша кўлаб чақиримларни ўз ичига олади.

Мен ҳар қандай нотаниш уйнинг ўша чегараси бўйлаб, тожи гирдида, яқинлик чизиги бўйлаб юриб кўраман аввал.

Асаларилари бор уйдан жуда кучли нур чиқади. Бу уй ўз зиёсини асалари учиб кетган жойга қадар сочади. Бу хонадон нур масканидир. Шифобахш нур маконидир. Менга қолса, бу уйга мен болаларни бошлаб келардим. Токи улар тушликдан сўнг тўйиб ухласин.

Бошқа уйлар пури унчалик эмас. Шунга қазамай, бирор уйга яқинлашар экансан, товуқнинг «қа-қа»лагани эшитилади — тухум туғанти, шубҳасиз. Уни тинглаб, ўйлайман: қандай қилиб у ўз мўъжизасидан воз кечади, ўз фахридан қандай жудо бўларди, ахир, туққани ҳақиқий тилсим: ошпоқ ёки ола, ажойиб, ичидаги сариги эса гўзалликда апельсиндан қолпшмайди.

Уйга кирмай, ўтин ёрадиган жойда бирпас туриб қоламан. Шу ердан тож бошланади. Дарахтларнинг сўнгги қўшиғи — нўстлоқ ва қипиқ ҳиди димоққа уриб, мўрилардан қурбонлик тутуни кўкка ўрлайди.

Оқ қайинга қўнган майналар қардошлиги, эмандаги лайлак яқинлиги, шифтдаги қалдирғоч ва дераза остида барқ ураётган саллагуллар қардошлигини қаттиқ туяман.

Бора-бора бу уй менга яқин бўла бошлайди, шундан кейин бу уйга кираман.

Бола ҳам туғилмади, аммо у яқин.

Сен яқинсан, тезда кўраман сени.

Яқинлашмоқ.

Сурилиб ўтирмоқ яқин.

Яқинроқ.



Оқ кўйлагингизни кийиб олиб, ҳар тонг ёзинг.

Ёшлигингизда ёзинг, зеро сўнгги соатгача таъсирланмоқ ва севмоқ ҳаммага насб этмайди.

Оқ кўйлакни кийиб, ер ковлаг.

Онагининг туфлисини артинг, оқ кўйлакни кийиб.

Опоқ кўйлагингизни кийинг, уйингизда меҳмонлар бўлмаса агар. Ёлғиз қолинг. Қувонинг ўзингиз билан бирга.

«Ёлғиз қолган заҳот, меҳ ўзимни буюк ва машҳур, чиройли одамлар орасига тушиб қолгандай ҳас қиламан», деган эди донолардан бири.

Токи ёш экансиз, оқ кўйлагингизни кийиб, ёзинг ёшлик ҳақида, ёшликка атаб.

У доим жамалагига капалак қўндириб келади. Ёшлик — мактаб хорининг энг баланд овозидир. Оёқларида оппоқ туфлялар.

Лекин нимадир юз берди. Ёнгоқ новдаларига нимадир бўлди. Урсанг, сарёқ чапг чиқади, ёнгоқдак.

Доим шувақамиди ўзи?

Қуёшнинг олдида, қуёшнинг олдида тиз чўкканмисан ҳеч?

Мен — телба мажусий — оппоқ чўққи узра туриб, бирдан тиз чўкдим, йиқилдим қуёшнинг пойига, теварагимни шамол ва қор ўраган бир онда, севгилимнинг кўзларида ўша қуёш ёнган онлар.

О, буюк қуёш, менга шу севишга қодир юракни ато қилган онам ва менинг отамдан рози бўл. Севгилим онасидан, севгилим отасидан рози бўл, қуёш. Бизнинг қафтларимиз илиқ, бир-биримизни уйғотдик бизлар, бир-биримизни аядик — кўчаларимиз очилди.

Бу ажиб ҳол қанчага етади? Узоқ бўладими кўзимиз равшан? Григнинг қўшиғи, Сольвейг ҳақида мусиқаси тугаган онгачами? Балиқлар ҳарбланиб, Амур оқимига қарши юраркан, Узоқ Шарқ жилға-

ларида ярқираганча, қум узра олтин тухумларини қўйганга қадарми?

Сенинг бармоқларинг шаффофдир, бармоқларинг аро тенаётган қон ва қуёшни кўраман. Қонингда сулаймонбалиқнинг олтин уруғлари бор. Бу ажойиб рўё қачонгача давом этади?

Токи ёш экансиз, кийинг оқ кўйлакни шиддатвор. Ер ковланг. Шундай ишлангки, сизгача ҳеч ким бундай тер тўкмаган бўлсин.

Яшаётган мавжудот борки, ҳаммаси ҳарорат истайди. Аммо умрининг сўнги дамигача таъсирланмоқ ва севмоқ насиб этавермас ҳаммага.

Сизнинг қўлингиз илиқ, ҳарорат бор, аммо совуқ қотаяпти кимнингдир қўли. Биринчи бўлиб ким унинг ёнига боради?



Гарчи, тиниш белгилари — тўқима.

Нуқта нисбий аҳамиятга эга, холос. Нуқта одамнинг ўзида яшайди. Нуқта йўқ. Нуқта бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Нуқтанинг ўрнига вергул қўйиш мумкин. Нуқта ўрнига кўп нуқта қўйса ҳам бўлаверади. Нуқта ва вергул қўйса ҳам, ҳеч нарса юз бермайди.

Сиз кўкрэк муштраб «Менинг ҳаққим бор!» дея бўкиришингиз мумкин. Сиз сокии «Менинг ҳаққим бор», десангиз ҳам тўғри қилган бўласиз. Ниҳоят, сиз ўзингиздан шубҳаланиб, «Менинг ҳаққим бор?» десангиз, нуқтани сўроқ белгиси алмаштиради.

Сўроқ белгиси ҳаммадан ҳаммиша шубҳаланаверади. Сўроқ белгисининг ўзи ҳам бошқа белгилар қатори нисбий ва шубҳага лойиқдир — ким сўраётган? Кимдан сўраяпти? Қандай сўраяпти?

Кун — тиниш белгиларининг тинимсиз оқими, тун ҳам ўша белгиларнинг тўхтовсиз оқими, йил — тиниш белгиларига лиммо-лим кўлдир, ҳаёт — бу белгиларнинг чексиз океанидир. Тиниш белгилари уруг қўлади, улардан ашаддийси бўлмиш сўроқ белгиси ўша такаббур ундов изига тушади, пайини қирқмоқчи бўлиб юради.

Энг жиддий, энг қолоқ белгилардан бири — нуқта. У давомликни ёмон кўради. У чап томондан вергулнинг биқинига уради, вергул қоринни ичига тортганча, шалнайиб нуқтага айланиб қолади. Кўп нуқта — сўзини тополмайдиган дудуқдир.

Бир йигит қизчага ёзган хатида кўп нуқта бўлар экан, унинг қўлида ёки билагида ҳам шунақа кулгили белгилар — илон, юрак, ё бирор яланғоч аёл сурати бўлиши турган гап.

Агар ёзувчи кўп нуқта билан ёзса, билингки, у ҳали жуда ёш. Пайти келиб, бу ҳол такрорланмайди.

Тире, бу белгилар ичида энг гапдония, у ўзига

кўра анча софдил нуқтали вергулни сяқиб чиқаради.

Нуқтали вергулни ҳамма ҳам тушунавермайди, шу сабаб нуқтали вергул кўп дакки оёди: «Бу ўрин нуқтаняккими ёки вергуликки?» қабилда. У мөнга одобли, нозик тушунувчи, фарсатли эркакка ўхшаб кўринади, шу хислатидан унга камроқ эътибор берилди. Ҳар қалай, у тиниш белгилари қабиласининг тақдири ҳақида, бу қабила йўқолиб кетмаётганмикин, ярми нуқта томонидан, ярми вергул томонидан йўқ қилинмаётганмикин, деб хаёл суришга ҳалал бермайди.

Тиниш белгилари ўзаро шундай курашадилар. Ҳаёт — тиниш белгилари уммонидир. Ҳар бир тиниш белгиси ўз қабиладошини ғажиб ташлаши мумкин. Ҳар қандай тиниш белгиси нисбий, шартли ва ўзгарувчан, зеро, улар — тўқимадир.

Ягона ўйлаб чиқарилмаган белги — ўлим. Ёлғиз ўлимгина тўқима эмас, ёлғиз ўлимгина ўзгармасдир. У мавжуд, унинг бўлмаслиги мумкин эмас ва бирор нарса йўқки, унинг ўрнини босса.

Шундай экан, мутлоқ тиниш белгисими изламанг. Мутлоқ тиниш белгиси — ўлимдир.

Ҳали эрта. Ҳали жуда эрта. Қуёш кўзимни очгани йўқ ҳали. Онам бешикни тебратганича йўқ, отам отлар ёнига кирмади ҳали. Ботинкаларим бўсаганинг нариёғида, йўлдан ҳам нарироқда ётибди ҳали.

Полга тўшалган палослар аро кечаги кун ётибди. Сочикқа ўралиб, бир енгил нафас ётибди, ўчоқдаги кулда қандайдир сўз гудранади, ёниб тамом бўлади.

Аммо тунги уйқу тонгги уйқуга айланади... ва столда телпак уйғонади — хўроз қичқирса бас.

Ҳали эрта, ҳали жуда эрта. Илгакка осийлик телпаклар бирин-кетин менга салом беради — бориним керак.

Лекин мен ҳали йўқман. Биринчи қадамни босганим йўқ ҳали, эшик тутқичини ушлаганим йўқ, тонгги шабнамларда куйлаганим йўқ.

Мен ҳатто қуёшни кўрмадим ҳали. Биламан, у тонгда — хўрозларнинг учинчи қичқирғидан кейин чиқади ёки бошқа бир қичқирғидан сўнг, балким адашгандирман, ҳар қолда, у тез орада чиқиши керак, чунки эркаклар хуррак отмай қўйди, дарпардалар қизиллана бошлади.

Ниҳоят, галати маскандан — мавҳум бир туйғу, хотирада сирғалувчи, деярли йўқ, ҳайлдай бир нарсадан — биринчи бўсага оша тонгги туман қучоғига ҳатлайман. Бу менинг болалигим.

Қуёш йўқ ҳали, аёз бор сал-пал, йўл эса туманларга олиб кетади. Туман оқлиги ичра биринчи тасаввур онгимга парчинланади — қудуқ. Демак, энг биринчи йўл бўсагадан қудуққа олиб боради. Шунинг эслаб қолдим. Чап томонда четан, ўнгда эса аргувион дарахти турарди. Йўл четида яшил майса, йўлнинг ўзи қаттиқ, тараф тортилган ва ҳосирча, шу йўлдан бошқаси йўқ эди.

Қудуқда сув. Эгилиб қарайман — пастда, қаердadir жуда чуқурда сув милтиллайди.

Қичқираман: «А-а!» Акс-садо жавоб беради, Мелнгайлис хори сингари янграйди ва куйлайди.

Қудуқ устига бешикка ўхшаган қуршлма осиг-лиқ. Челақ чайқалади. Атрофда кимса йўқ, ким унда сув олади? Қоронғи теранликда ялтиллаб ётган сув кимга зарур?

Шунда эшик очилиб, онам пайдо бўлади ва дейди:

— Ҳозир қуёш чиқади. Ҳозир сен бўласан — менинг ўғлим бўласан ҳозир.

Қайғу эркиндир.

Ғазабланган одам эркин эмас.

Сабрсизлик — аччиқ.

Дунёга қайғу деразасидан қарашдан осони йўқ.
Қайғу эркиндир, унинг қушникидай эркин қанот
лари бор.

Шу себабки, мөн қайғули бўлсам, ўзгаларга те-
падан қарайман, зеро, қайғу инсонни юксакка кў-
таради. Ачинмиш, раҳм-шафқат эса уни пастга туши-
ради. Такаббурлик — ўзига ҳамма қараб тўймаса,
дейди. Шундай экан, қайғу олижаноб бўлмай, юксак
бўлмай нима қилсин?

Қайғу — қалбнинг шомидир, яъни қуёш ботиб,
юлдузлар чиқмаган лаҳзасидир. (Хонада гугурт чақ-
ма!)

Одамга тўлиб кетган трамвай, циклопнинг кўзи-
дай, чироғни ялтилатиб, гилдирайди. Ҳамманинг
қўлтиғида биттадан арча — янги йилни кутишга
шошади одамлар.

Одам тўла замин! Бир-бирига боғлиқ, кўришмас
ип билан чандилган одамларга тўла ер!

Мен бўлсам, озодман ўз қайғумда, сизга кўра
эркинроқман мен. Хоҳлаган томонимга жўнашим
мумкин. (Хонада гугурт чақма!)

Умрингизда бирор марта қайғуга чўкиш учун
фурсат топганмисиз, вақт топганмисиз? Хонада гу-
гурт чақмай, ёлғиз ўтиришга ҳеч уринганмисиз?

Қуриб қолган гулларни кўрсатиб, «қуриб қолди» дейсан. Гўё меникида қуриган гуллар йўқдай.

Ажойиб тишларинг бор-ку, нега менга синигини кўрсатасан?

Нечун кўз ёшларингизни уйдаи-уйга ташиб юрасклар?

Агар кучугинг қўтир бўлса — уйингда давола.

Қовуғингни нимадир безсвта қилаётганини ўзгага ҳужоя қилиш шартми?

Еки ёлғиз йиғлашни ёмон кўрасанми, сенга кимдир жўр бўлмаса, йиғлолмайсанми? Сенга қўшилиб катта оломон йиғласа, кўнглинг жойинга тушар балким?

Баҳам кўрилган дард — ярим дард дегани эмас. Сен ўзингнинг ярим дардингни берган одамнинг ҳам ўз дарди бор — ўйлаб кўр, унинг ҳоли не кечади. Шуми яқинларга муҳаббат? Агар сен ўз дардингнинг ярмини унга, у бўлса, ўз дардинга ярмини сенга берса — барибир — икковингиздям бутун дард қолаверади. Шундай экан, баҳамлашмоқда маъни йўқ.

Аввал барча манфий белгиларингни сандиққа солиб қулфла, кейин уйдаи чиқ.

Яқинларингнинг ёнига фақат мусбат белгиларни тақиб, ҳурмат белгиси каби кўксингга осиб бор, бўлмаса — борма. Бунақа соат сенинг ҳаётингда ниҳоятда кам бўладиган бўлса барибир фақат ўша бахтиёр дамда бор, токи кўксингдги белгилар ёнар қуртлар мисол ёнсин кўксингда.

Мана бу жойим оғрипти, манави ундай бўлди, униси ундай — дўстим, менинг ҳам ташвишларим нга тушган бургадай кўп.

Няма, сен бутун дунёга тарқатмоқчимсан бургани?

Мен телеграфга жўнайман. Сен билан ўйлаб толган ўша митти одамни сепга жўнатмоқчиман.

— Бунақа телеграммани қабул қилолмаймиз, қайта ёзинг,— дейдилар менга.

Мен қайта ёзаман ва охири яна ўша одамни чизаман, фақат бу гал уни ётган ҳолда тасвирлайман, чунки телеграф лентасига сигиши керак-да.

— Илтимос қиламан, митти одамни қўшиб юборинг!

— Мунақасини қабул қилолмаймиз,— деб жазоб беришади.

Шунга қарамай, кўп марталаб «бу нимаси?», «яна нима дейсиз?», «маъавини қаранглар!» деган дақиқалардан зада бўлсам ҳам, сўнги марга сўнги алоқа идорасида илтимосимни такрорладим:

— Ўтинаман, телеграммага шу одамни қўшиб юборинг!

— Телеграмма одамни қабул қилолмайди.

— Ахир, одам учун алоҳида тўлайман-ку.

— Одам учун тўламайдилар. Уни ёки текни юборишади, ёки умуман юборишмайди, одатда.

Бу аёл мени тушунган эди. У мени тушунди.

Аёл менинг илтимосимни бажарди. Гарчи митти одам қогозда қолиб, сўзлар учиб кетган бўлса-да, мен телеграммани қабул қилган аёлга ўхшаган ҳар қандай бегона аёлга салом бериб ўтаман. У мени тушунган эди.

Тушуниб бўлмас, мураккаб алоқалар мавжуд одамлар ўртасида. Жуда нозик, жуда мураккаб. Биз бу алоқаларнинг ниҳоятда оддийларини, кундалик ҳаётга боғлиқ бўлганларинигина биламиз: да-рахт — илдиз — ер. План — иш — маош. Эркак — аёл — тўй — фарзанд. Ёки яна ҳам соддароқ: эркак — аёл — фарзанд.

— Пичоқ нимани орзу қилади?

— Нон кесилсини.

— Нонни.

Кўрдингизми, қанчалар оддий бу жумбоқ!

— Қайиқ нимани ўйлайди?

— Сузишни.

— Эшкакларни.

О, нақадар осон, тушунарли бу муносабатлар!

Лекин бир кунни бу ҳақда бошқа тушунчали одамни учратиб қолдим.

— Пичоқ нима ҳақда ўйлайди?

— Лампочка ҳақда.

— ?

— Албатта, лампочкани ўйлайди-да! Қаранг, у қанча ёрқин, нақадар дўмбоқ...— деб лаззатдан тилини «так»иллатди у.

Шундай пайтлар бўладики, одам ҳамма нарсани қарта каби қоринтириб юборади, улар кўз олдинда мислсиз ҳолатларда ўйнайди, хаёлингга келмаган бир тартиб — тартибсизлик пайдо бўлади — сенинг мағрур телпагинг ағнаб тушади ва кимдир унга кумуш танга ирғитади ёки биттаси кўл сувини насос билан иккинчи кўлга ўтказса, сен челақ билан ўша сувни ианга қайтарасан; ҳар бирингиз ўзингизча кучли: яъни челақ насос устидан тантана қилиши мумкин; тош ағдарилиб, қорини қуёшда тоблайди, ўткир арра ёлғиз ўлаётган бир пайтда, тиш чўткаси қайсидир болтанинг тишларини тозалайди.

Бу ҳол фақат аввалига мураккаб кўринади. Буларнинг ҳаммаси ҳаётда мавжуд, кўриш мумкин. Инсон бошида шундай кунлар бўладики, бир-бирига алоқаси йўқ бўлиб туюлган нарсалар ўртасида собит муносабатни кўриб қолади одам.

* * *

Бир зумга мумкинми, ҳозир қайтиб келаман?

Менга рухсат беришди, аммо мен «бир зумга» эмас, бир кунга кетдим. Йўқ, мен онамни алдамадим, алдашни истамадим, бор-йўғи ваъдамни унутдим: чунки мен учратган нарсалар мендан кучлироқ эдилар.

Денгиз кучлироқ эди, унинг соҳилидаги қумтепалар кучли эди ва улардан кўз узмоқ, уларни ташлаб кетмоқ маҳол эди мен учун.

О, сен, яланғоч ибтидоий туйғу — озодлик туйғуси!

Мен тушликка қайтиб келолмадим, арчагуллар аро ўт билан ўйнашиш хавфли эканини унутдим, қумдан қурилган қалъангни бузганнынг тумшугига тушириш тазқиқланганини унутдим мен.

Кечқурун қайтдим мен, оч ва лойга чапланиб, ҳеч қачон энди бу такрорланмайди, дея қасам ичиб қайтдим.

Аммо эрталаб уйғонар эканман, яна ўша таниш хонани кўриб, зерикарли хонани кўриб, ўз-ўзимга қаттиқ ачиниб кетдим.

Мен товуқларнинг қўшни ҳовлисига ўтиб, изига қайтмаганини кўриб қолдим: гўё у ерда қурт-қумурсқа бизнинг ҳовлидагидай эмас, гўё қўшниникидаги гўнг бутунлай бошқа.

Товуқлар безбет эдилар. Қўшни болалари уларга кесак отади, ҳайдади — фойда йўқ, бораверади.

Балки уларнинг йўлбошчиси ўша хўроз ҳам «бир зумга» деб ўйлагандир. Қўшнининг малинаси унча баланд эмас, хўроз тумшугини чўзса, бемалол етарди-да, қудуқ ҳам бизнинг қудуқдан фарқ қилар, у ёрқин яшил рангга бўёглиқ эди. Гулпушта атрофида ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди.

Мен ҳам шундай: бир куни қайтиб келмадим.

Сумалаклардан узилган томчи «бир зумга», деб узиладими?

Камондан отилган ўқ «бир зумга», деб учадими?

Қачонлардир мен «бир зумга бориб келаман» деганча, қайтиб келмаганман.

Қиз ҳам «бир зумга мумкинми?» деб кетади энди.

Бераҳмликми? Балки шундайдир. Аммо биз бу қовуни ўзгартира олмаймиз.

Мен кундай узсқ лаҳзаларни, «бир зум»ларни биламан, лаҳза каби қисқа кунларни биламан. Тўнгалар билан, жылгадаги тошлар билан Ёлғиз қолганинг нақадар оғирлигини биламан мен ҳам, шу бозеки, жылга билан бирга оқаман, одимлайман.

Энди менинг ўзим тошаман ва қиз ёнбошимда ўтириб сувга қарайди. Қуёш илиқ порлайди, арғувон гуллайди. Қизнинг бўлса, оёгини қитиқләтган сувдап баданни ширин жимирлайди, сув унинг кўзларида, сочларида жилваланади, ҳозир у ўрнидан туриб:

— Бир зумга бориб келсам майлими? — дейди.

Мен буни яхши тушунаман. Ҳозир у жылгани кечиб ўтиб, нариги қирғоққа чиқади. Ўша томонда капалак ўтирибди. Қиз яқинлашган ваҳот, у парвоз қилиб, сқимга қарама-қарши учиб кетаверади...

Иўқ, сумалакдан узилган томчи «бир зумга» узилмайди. Қор осмондан, ўқ камондан «бир зумга» кетмайди, ахир.

Кетмайди.



Қўшиқ айтинг, дедим-ку, ахир. Қўшиқ айтинг. Кайфиятингиз яхши бўлса, қўшиқ айтинг. Ҳар қандай жаҳолат, ҳар қандай ҳайвонликка аччиқма-аччиқ қўшиқ айтинг. Сизни хўрлаётган кимсанинг кўзларига қараб қўшиқ айтинг. Сизни калтаклаётганда, ўз устунлигингиздан хурсанд, қўшиқ айтинг.

Эсимда бор. Кичик эдим, қўшни хотин ўз ўғлини калтаклаётганини кўрдим.

Бола омборхонада туриб қўшиқ айтарди. Онаска уни урар, бола «қаҳ-қаҳ» уриб қўшиқ айтарди. Оласи уришдан чарчаган, у бўлса ҳамон қўшиқ айтарди.

Онаси урмай қўйди, ўғил калтак еган елкаларини силаб-силаб қўшиқ айтарди.

Одам тўла троллейбусларда қўшиқ айтинг. Агар бунинг учун ҳам тўлаш керак бўлса — тўланг!

Май ичаётиб, қўшиқ айтинг. Қабр устида қўшиқ айтинг. Нега жим турибсиз, куйламайсизми? Марҳум эшитмайди. Унинг ўлими учун эмас, ўз ҳаётингизни куйланг. Қабрдаги гулчамбар ҳақида эмас, ҳув, дарахт тепасидаги япроқ ҳақида қўшиқ айтинг. Тириклар, қўшиқ айтинг — қўшиқ унга эмас, сизга керак.

...Оқшомлари уйғониб, булбуллар хонишини эшитасан. Кўрдингми, қўшиқ тунда ҳам ҳаётдир.

Сен эрталаб, тонгда куйлайсанми? Иложсизлик қўшиғини, ғазаб қўшиғи ё ҳужум ҳақида куйлаганмисан ҳеч?

Дарвоқе, қани, у сенинг ҳужумкор қўшиғинг? Еки ғалабага эришиб, энди фақат тонгда айтасанми қўшиқни? Еки мағлубмисан — воз кечдинг бутунлай қўшиқдан?

Ҳечқиси йўқ, безовта бўлма. Мен билан ёнма-ён ўтиришга тўла ҳақинг бор, сенга ҳам билет олганман. Сени ҳеч ким ҳайдамайди, тинч ўтир энди!

Йўқ, хоним, бу жой сизга бўш кўринган бўлсада, у мутлақо банд. Бу ерда менинг руҳим ўтирибди, унинг бунда ўтиришга ҳақи бор. Тўғри, у пальто шаклида, аммо у менинг руҳим бўлади. Руҳим ўзимда эмасми? Ўзимда, лекин бу ҳам менинг руҳимдир. Улар иккита. Худди сиздаги каби, вужудимдан у икки бор катта. Сиз ўз танангиз билан мени суриб, иккита ўринни эгалладингиз-ку кеча, энди менинг руҳимга ҳам ўтиришга ижозат этинг.

Ҳа, сиз лошингиз билан мени доим суриб чиқарасиз. Мен сизнинг танангизни дўкон олдидаги навбатда, троллейбусларда кўп учратганман. Сиз ўз танангиз учун гавдангиз билан курашишни яхши биласиз.

Утган ўз руҳимнинг тоби йўқ эди, илиқ денгиз ва жиндек қуёш керак эди унга, лекин жанубга йўллангани сиз олдингиз, сизнинг танангиз мени суриб, четга чиқарди ва у Қора денгиз қошида ўзига монанд таналар орасида ястаниб ётди. Биз бўлсак, руҳ билан шаҳарда қолдик. Йўллангани фақат қишда беришди.

Ҳечқиси йўқ, безовталанма. Сенинг тўла ҳақинг бор бу ерда ўтиришга. Хоним уятсиз одам. У асабларни ўйнатади. Танаси уятсиз унинг. Фақат балериналарнинг танасигина руҳни ифодалайди, демак, уларнинг танаси тана эмас — руҳ шаклидир. Шундай экан, бемалол ўтиравер.

Дарвоқе, «курорт» дегани гирт майда гап. Аммо ҳурматли хоним, сиз мени суратдан сиқиб чиқардингиз, суратга киргансиз, мен эса, ромдан ташқарида қолиб кетдим. Ром ясайдиган устахонада сизнинг танишларингиз кўп эди-да. Танишларингиз ром зотини севарди, ҳатто улар бутун ҳаёт ромлардан иборат бўлишини орзу қиларди. Айниқса, уларга атрофи ҳошияланган яланғоч таналар ёқарди. Чимчимлаб олиш мумкин бўлган, шапатилаш мумкин бўлган та-

налар. Ҳўсиз, хаёлиз тана. Албатта, сут соғувчида кўра, сиғирни тасвирлаш осонроқ. Хуллас: мен ром ташқарисида қолиб кетдим.

Билетларни текширмоқчимсиз? Марҳамат, мана улар. Бу жой банд дедим-ку, бу ерда менинг руҳим ўтирибди. Езувчи ва рассомларга ортиқча хона беришади. Айтинг-чи, бу хонани кимга — танами ё руҳ учун берадилар?

Илтимоc, мана бу хонимга айтинг, ўтирмасин: менинг руҳимни янчиб қўяди...

Тўғри, мен руҳимни ўзимга қамаб қўйишим ҳам мумкин. Руҳи ичида бўлган одамлар — ажойиб кишилардир. Уларнинг ўз оёғи бор, ўз боғчаси — ҳаммаси ичида. Уларнинг ўз тавроти бор, гильотинаси — ичида. Меники ҳаммаси ташқарида — пальто, шу шунчаки, одамлар учун турибди. Аслида, пальто менинг боғим, менинг теварагим, нега энди руҳ пальто шаклида бўлмаслиги керак? Маяковский бўйнига ям-яшил бодринг тақиб юрган, руҳини эса булут шаклида — ёнида олиб юрган — иштон кийган булутни. Нега энди менинг руҳим кинотеатр ёки саҳнада пальто қиёфасида мен билан бирга ўтирмасин?

Айтгандай, хоним, ўтган сафар гавдангиз мени саҳнадан яна сиқиб чиқарди. Мен гапираётганда бутун танагиз билан эснадингиз, тана ҳақда шивирлашдингиз — ҳаммасидан тана — ва мен жим бўлдим, нафасим қайтиб кетди.

Энди менга саҳна шўр балиқ ёки карам солинган бочкани эслатади. Сиз шу ҳолга солдингиз уни. Мен ўша саҳнани яна ўз ҳолига қайтариш учун урнинг ётибман ҳозир.

Бундан кейин мен албатта иккита ўринга билет оламан — руҳим ва ўзим учун.

Тинчлан, бемалол ўтир. Сенинг ҳақинг бор. Хоним буни тушунмайди, холос.

Агар биз дадил ва шиддатли ҳаракат қилсак — ютамиз.

Биз филнинг хартумини думига боглаймиз. Қўрқмасак, бас.

Биз календарни тамоман қайта тузамиз.

Биз бўрилари қўлга ўргатамиз, типратикан ва қўбларни, ҳатто ёввойи қўчқорларни уй ҳайвонига айлантирамиз.

Биз ёввойи қобонлар билан ҳамдам ўрмондан чиқамиз, қизиштириб бизнинг ҳарф терувчимиз бўлажак.

Биз мох ва қурбақа ўти каби ранг-баранг ўсимликларни сочларимизда ўстирамиз — кулранг, яшил, сариқ рангда.

Салом сенга, қора черника, салом сенга қизил брусника. Соқолига қатрон ёпишганлар, салом! Тоғонга миҳдай ботувчи тўнғизоёқ узра оёқяланг юрсак, биз ғалаба қиламиз.

Донолар доноси олмахон, сен телеграмма сизгари дарахтма-дарахт учиб юрасан. Сен чаққон ва тикиб-тинчимас мавжудот, кел, бизга байроқ бўл — олга юрар эканмиз, биз билан барга ҳилпираб юр, ўрмондан чиқсак, минг-минглаб байроқлар ҳилпирасин ўрмон четида.

Муболаға қилаётганимиз йўқ. Биз ҳақиқатан ҳам шунчалик соғлом, кучлигимиз, ҳатто ўрмонда яшамайдиган дўстларга ҳам ёрдам беришга қодирмиз.

Мускулларимиз қўзиқорин каби. долчиранг юракларимиз ҳаракати кийик ҳаракати мисол гўзал. Дунёдан кетар экан, кўзларимизда қаҳрабо пайдо бўлади. Оналаримиз бу кўзларга яхшиликни ўргатади — бу кўзлар на ҳасадни, на найза санчишни, на нафратланишни билади. Оталаримиз бўри оғзига мушт тикишни, уни қандай енгизиш ўргатади бизга.

Сиз, судралаб келаётганлар — келинг, биз ёрдам берамиз!

МУНДАРИЖА

Қаҳрабо соҳиллар куйчиси. Озод Шарафиддинса 3

Шеърлар

| | |
|--|----|
| «Шамдонлардай қатор...» | 17 |
| «Тингла, дунё нақадар сокин» | 18 |
| «Етарлидир нон...» | 19 |
| Петерис ҳақида қўшиқ | 20 |
| «Чирикларни олиб ташланг...» | 22 |
| «Ҳа» ва «йўқ»нинг ўртасида | 23 |
| «Ажиб палла эди ўша ёз» | 24 |
| 9 май куни | 26 |
| «Туз сепилган нарса...» | 27 |
| «Менга айтишдики...» | 28 |
| «Санъатда...» | 29 |
| «Оқшом тўлқинларин кесиб...» | 31 |
| «Йўлнинг чеккасида туриб...» | 34 |
| «Сенга совға қиламан...» | 36 |
| Моцарт билан ёнма-ён | 37 |
| Композиция | 38 |
| Шубҳа | 42 |
| «Якшанба куни йўлда...» | 43 |
| «Улган қовоғари...» | 44 |
| Отнинг қўшиғи | 45 |
| Араванинг қўшиғи | 46 |
| От бўйнидаги кўнғироқча қўшиғи | 47 |
| «Қуёшсиз тонда» | 48 |
| «Асалари чақса, ўзи ўлади...» | 49 |
| «Бу япроқ, бу япроқ...» | 50 |
| «Маёқми, чироқми...» | 51 |
| Шамолнинг қўшиғи | 52 |
| Шамдоннинг қўшиғи | 53 |
| «Сувости кемалар...» | 54 |
| Кема саҳнида | 55 |
| «Биз иловамиз холос» | 56 |
| Мукаммаллик касали | 57 |
| «Бачкигуллар бачкамаикин» | 58 |

| | |
|---|-----|
| «Гарфинни қўй кафтимга» | 59 |
| «Кув бетишга боқар эканман» | 60 |
| «Бу ерда бегона ҳеч ким йўқ...» | 61 |
| «Бу дошқозон» | 62 |
| «Хотини қўлига олди-да латта...» | 63 |
| «Фақат фурсатимга» | 64 |
| «Жудаям катта бўлманг...» | 65 |
| «Юлдузлардан бутун...» | 67 |
| «Ҳаётда нопоклик...» | 68 |
| Ўзлигини англаса инсон | 69 |
| «Тақдирнинг дарёси...» | 71 |
| Афсус | 72 |
| «Оқ унни айтиб...» | 73 |
| «Вентилятор парраги» | 74 |
| «Ёмғирлар шафқатсиз...» | 75 |
| «Олтинчи қаватда бегона жувон...» | 76 |
| «Бу қалпоқ...» | 77 |
| «Фикр аргувонга ўзини...» | 78 |
| «Олхўри шипирчилар...» | 79 |
| Ояр Вацистисга | 80 |
| Якка қуёш | 81 |
| «Қора, яшил далани...» | 82 |
| «Қара, бир қорғинлик...» | 83 |
| «Муҳаббатсиз яшаманг...» | 84 |
| Пабло Нерудага | 85 |
| «Чироқни ёқаркан...» | 87 |
| Безбет | 88 |
| «Мени куттирмагин...» | 90 |
| Мен — бу менинг ўзим | 92 |
| «Ўзи бир лаҳзадан» | 93 |
| Кунлар | 94 |
| Ишончсизлик ва ишонч ҳақида | 96 |
| Клептомания | 97 |
| XUZ | 98 |
| «Кечки туман...» | 99 |
| Сув париси ўғлининг қўшиғи | 100 |
| Сен менга кераксан | 101 |
| Қуш патлари | 102 |
| «Борди-ю, олтига стулинг бўлса» | 103 |
| «Бу оқшом...» | 104 |
| Парвоздаги тош | 105 |
| «Не ҳам дей...» | 106 |
| Кипсала кулолларига | 107 |
| «Бирдан дунё» | 109 |

| | |
|-----------------------------|-----|
| «Пайти келди...» | 110 |
| «Бунда бегоналик...» | 111 |
| «Вақт ўтмасди...» | 112 |
| «Бир гуноҳ | 113 |
| «Ҳеч кимни кутмаган...» | 115 |
| «Ёзган эдим...» | 116 |
| «Ҳаммомнинг дарчасию...» | 117 |
| «Учоқнинг олдига» | 118 |
| «Атиргулни шошиб тарк этма» | 119 |
| «Қора тутун...» | 120 |
| «Совуб қолган дарё» | 121 |
| «Турналар бир лаҳза» | 122 |
| «Бордоқчангда сувингни...» | 123 |
| Инерция | 124 |
| «Тошнинг томирлари...» | 126 |

Эпифаниялар

| | |
|------------------------------|-----|
| «Суратлар» | 129 |
| «Айланиб ўтмоқ шарт...» | 131 |
| «Оқ кўйлагингизни...» | 133 |
| «Гарчи, тиниш белгилари...» | 135 |
| «Ҳали эрта...» | 137 |
| «Қайғу эркиндир» | 139 |
| «Қуриб қолган гуллар...» | 140 |
| «Мен телеграфга жўнайман...» | 141 |
| «Бир зумга...» | 143 |
| «Қўшиқ айтинг...» | 145 |
| «Агар биз дадил...» | 146 |
| «Ҳечқиси йўқ...» | 147 |

На узбекском языке
«Библиотека Дружба»
Поэзия народов СССР

Имант Зиедонис

НЕДРЕМЛЮЩИЙ КАМЕНЬ

С т и к и, э п и ф а н и и

Перевод с изданий «Художественная литература», Москва -- 1975, «Советский писатель», Москва — 1977, «Советский писатель», Москва — 1978 г.

Редакторлар *Миразиз Аззам, Шавкат Раҳмон*
Рассом *В. Немировский*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *Е. Потапова*
Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 1671

Босмахонага берилди 03. 04. 81. Босишга ружсат этилди 17. 07. 81. Р 09018. Формати 70×90¹/₃₂. Босмахона қогози № 1. Мактаб гарнитураси. Юқори босма Шартли босма л. 5,55+0,32 вкл. Нашр. л. 4,18+0,33 вкл. Тиражи 10000. Заказ № 1389. Баҳоси 90 т. Рафур Фулом комидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.